  17. <http://www.drh-moskau.ru/obs/index.html>- Виртуальный семинар-центр фонда имени Отто Бенеке.

## КИРИШ

Ушбу услубий қўлланма 2010 йилнинг октябридан 2011 йилнинг июлигача Ўзбекистон қушларини муҳофаза қилиш жамияти (UzSPB) томонидан амалга оширилган “Ўзбекистоннинг 5та вилояти университетларини биологик ва табиий факультетларининг талабалари учун интерактив таълим дастури” лойиҳасининг натижалари бўйича тайёрланган. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши учун грант Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ажратилган.


Лойиҳанинг мақсади орнитология ва умуман табиатнинг муҳофазаси соҳасида мустақил изланишлар ва ижтимоий фаолиятда талабаларнинг билим даражаси, фаоллиги ва қизиқишини ошириш орқали, жамоат ва давлат экологик ташкилотларда ишлаш учун истиқболли ёш мутахассисларни тайёрлашдан иборат. Лойиҳада Қушларни муҳофаза қилиш жамияти томонидан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети, Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат Университети, Бердах номидаги Қорақалпоқ Давлат Университети, Бухоро Давлат Университети ва Қўқон педагогика институтлари қошида яратилган талабалар клубларининг аъзоси бўлган 80 нафар талаба иштирок этди.

Қўлланмага модулларга бирлаштирилган 24 таълим сессиясининг материаллари киритилган: “Компьютерда ишлаш кўникмалари”, “Ҳисоботни расмийлаштириш”, “Биохилма-хиллик”, “ОАВ билан ўзаро боғланиш ва клубнинг ривожланиши”, “Орнитология” ва “Фандрайзинг”. Дастурга киритилган материаллар офисда ва дала шароитларида ишлаш кўникмаларини бошқарув кўникмалари ва муайян сардорлик фазилатларини ўзида мужассамлантирадиган, эко-ННТ турли йўналишдаги мутахассисларини тайёрлашга йўналтирилган. Сессиялар ўқувчиларнинг фақатгина тренер билан эмас, балки бир бири билан ўзаро боғланишидан иборат бўлган ўқитишнинг интерактив усулига асосланган. Бундай усул ўқитиш жараёнида ўқувчилар фаоллигининг устунлигини назарда тутди.

Дастурнинг биринчи босқич лойиҳаси бошланғич даврида 2010 йилнинг март ойида Тошкентда ҳар бешта талабалар клубидан бирининг раҳбар ва сардорлари учун олти кунлик

семинар-тренинг ўтказилди. Қушларни муҳофаза қилиш жамиятининг ходимлари, талабалар ва уларнинг раҳбарларига компьютер дастурларида ишлашнинг асосий усуллари, ҳисоботларни тайёрлаш усуллари, ННТ ОАВ билан алоқа ўрнатиш қоидалари ва шунингдек биохилма-хилликнинг асосий тушунчалари ва бошқаларни ўргатдилар. Тренингнинг назарий материаллари иштирокчиларнинг раҳбарлик фазилатларини ва уларнинг информацияни мустақил таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган ўйин ва машқлар билан ҳамоҳанг бўлди. (Расм. 1).

### 1-расм. Дастурнинг биринчи босқичида ўқитиш схемаси



Дастур биринчи босқичининг натижаларини таҳлил қилиб, келажакда ҳудди шундай тренингларни янада самарали ўтказиш учун баъзи тавсияларни беришга ҳаракат қиламиз. Биринчи навбатда дастурни синчиклаб ишлаб чиқиш ва таълим модулларини пухта ўйлаб чиқиш керак. Ҳар бир сессияда назарий материал намойиши, унинг муҳокамаси ва ўйин шаклида мустаҳкамланиши, шунингдек гуруҳларда амалий топшириқларни бажарилишига ва уларнинг презентациясига вақт ажратилиши керак. Ҳар бир сессияга жавобгар тренер уни бутун дастур учун ягона бўлган интерактив тартиб ва услубда пухта тайёрлаши керак. Тренинг иштирокчиларига келсак, улар маълум раҳбарлик фазилатларга эга бўлиши ва клубларнинг энг фаол аъзолари бўлиши керак. Истиқболли сардорларни ўқитаётганда тренингнинг бошида унинг энг сўнги мақсадини белгилаш ва, шунингдек улардан олган билимларини клубнинг бошқа аъзоларига улашиш истагини туғдириш муҳим. Иш шароити ҳам тренерларнинг, ҳам иштирокчиларнинг тенг иштироки ва фаоллигига асосланиши керак. Танишиш жараёнида, очиқ алоқа ва биргаликда ишлашга ёрдам

берадиган, самимий шароитни яратиш муҳим. Барча иштирокчилар маълумотни турлича ўзлаштириши сабабли, ҳар бир сессиянинг бошида битта қарорга келиш керак, қанча вақтни назарий материалнинг презентациясига ажратиш керак ва қанчасини талабалар томонидан амалий топшириқларни тайёрланиши ва презентацияси учун.

Тескари алоқа анкеталарида тренингнинг барча иштирокчилари умумий олти кунлик ишнинг натижаларини юқори баҳоладилар. “Сиз учун тренинг нима билан фойдали бўлди?” устунда бир неча иштирокчилар тренинг туфайли таълим жараёнининг ўзини янги ракурсда кўра олганлиги ва педагогикада илғор ёндашишлар билан таниша олганликларини белгиладилар.




Дастурнинг иккинчи босқичи доирасида ўқитилган клуб сардорлари вилоятларида университетлар қошидаги орнитологик клубларда 6 ой давомида машғулотлар ўтказдилар (2–расм). Талабаларни ўқитишнинг мустақил жараёнини фаоллаштириш ва осонлаштириш учун биз томондан 24 сессиянинг ҳар бирини ўтказилиши бўйича электрон методик қўлланмалар ишлаб чиқилди. Қўлланмалар ҳар бир сессия кечишининг батафсил таърифи бўлган ўзига хос сценарий,

тайёр таълим берувчи презентация ва қўшимча маълумот берувчи материални ўзига олган.

Сардорлар клуб аъзоларини мустақил ўқитишни бошлайдиган, дастурнинг иккинчи босқичида, ташкилотчилар улар билан алоқани доимо ушлаб туриши ва ўқиш жараёни ҳамда унинг белгиланган режага мувофиқлигини кузатиб туриши зарурлигини таъкидлаб ўтиш керак. Ҳар бир клуб тузилишини аниқ белгилаш зарур. Бизнинг ҳолда суратлар ва раҳбар, сардор ҳамда кураторнинг исмлари бор схема кўринишидаги шундай структура ҳар бир клубга тақдим этилди. Бу клублар ягона тармоғининг ишида ҳар бир сардор ва бошқа муҳим шахсларнинг ролини англашга ёрдам берди.

### 3–расм. Дастурнинг иккинчи босқичида ўқитиш схемаси



Тренинглари якуни бўйича 2011 йилнинг апрел ойида Бухорода, турли вилоятлар талабаларига бирга йиғилишга ва клубларнинг ҳар бирида дастур бўйича тренинглари ўтказиш тажрибаси билан ўртоқлашишга имкон берган, мастер-класс форматида Республика талабалар конференцияси ўтказилди. Бешта талабалар клубининг раҳбарлари, сардорлари ва энг фаол аъзолари ўтказилган дастурнинг натижалари ва самарадорлиги тўғрисида маърузалар билан сўзга чиқдилар. Талабалар клубларининг сардорлари ва аъзоларида мустақил ўқиш ва ўзини камолотга етказишга интилишининг пайдо бўлиши амалга оширилган дастурнинг асосий натижаси бўлгани конференцияда таъкидлаб ўтилди.

Талабаларнинг маърузаларидан ушбу қўлланмада келтирилган методика бўйича таълим сессияларининг ўтказилиши тўғрисида, улар турли компьютер дастурларини ўзлаштиргани, илмий ҳисобот ва мақолалар ёзишни, ихтисослик бўйича Интернетда информация топишни, презентациялар ва

конференцияларга маърузалар тайёрлашни, журналистларга интервью беришни ўрганиб олганликлари маълум бўлди. Шунингдек талабалар клубларининг аъзолари Ўзбекистон ва чет элда ижтимоий ва давлат экологик ташкилотларининг фаолияти тўғрисида билиб олдилар, табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини ўрганиб чиқдилар. Энди талабалар олган билимларидан курс ва диплом ишларини тайёрлашда ва шунингдек мустақил тадқиқий ишларида фойдаланмоқдалар. Лойиҳа туфайли талабалар клублари аъзолари сони кўпайди, клубларга турли ихтисосликлар бўйича талабалар жалб этилди, лойиҳа бўйича машғулотларга эса, хатто университетларнинг ўқитувчилари ҳам кела бошладилар.

Шунингдек маърузаларда таълим дастурида иштирок этиш, талабаларда раҳбарлик ва педагогик фазилатларнинг ривожланишига имкон бергани белгиланди. Таълим модулларининг икки тилли дастури талабаларга рус тилини ўрганишларига ёрдам берди. Талабалар олган билимларини ўзининг тенгқурлари ва бошқа клубларнинг аъзоларига беришга шошилмоқдалар.

Эътиборингизга тақдим этилган услубий қўлланмага рус ва ўзбек тилларида Таълим дастурининг барча сессиялари ўтказилишининг батафсил таърифлари ва зарур бўлган маълумот берадиган материаллар киритилган. Қўлланманинг охирида ҳар бир сессия учун тайёр презентациялари бор CD-дискни топасиз. Қўлланма материаллари экологик клубларнинг аъзолари, шунингдек атроф муҳитнинг муҳофазаси билан машғул бўлган жамоат ташкилотларининг раҳбарлари ва ходимлари учун мақсадли таълим дастурларини ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин. Ушбу нашр Олий ўқув юртларининг “Экология” ва “Журналистика” ихтисосликлари бўйича таҳсил олаётган талабалари учун ҳам фойдали бўлиши мумкин.

***Лойиҳа раҳбари  
О.Р. Кашкаров***

**1-хафта. Сессия 1.**

**Сессиянинг номи:** Ўзбекистон қушларни муҳофаза қилиш жамияти (UzSPB)

**Давомийлиги:** 1 соат 30 дақиқа.

**Машғулотга нималар керак:**

Машғулот ўтказиш учун ҳар бир иштирокчига таълим дастурининг кетма-кетлик режаси, компьютер, проектор, ватманлар, маркер, скотч, клуб аъзолари, клуб сардори ва уни билимларини бошқалар билан улашиш истаги керак бўлади.

**Диққат!** Сессияни бошлашдан олдин презентация билан олдиндан танишиб чиқинг ва машғулотларни машқ қилиб кўринг.

**Сессиянинг бориши:**

1. Клуб сардори клубнинг ҳамма аъзоларини тўплайди.
2. Сардор бугундан бошлаб клуб аъзолари учун таълим дастури бошланганлигини эълон қилади. Бу дастур 6 ойга мўлжалланган бўлиб, машғулотлар ҳар хафта бўлиб ўтади. Сардор ҳар хафта бўлиб ўтадиган машғулотлар маъруза эмаслигини айтади. Бу оддий дарслардан кўра қизиқроқ, чунки бунда талабалар ўз фикрини билдиришлари мумкин, бир-бирлари билан гаплашадилар, ўйинларда иштирок этадилар ва қизиқарли маълумотлар оладилар.
3. Сардор ҳаммага сессия дарс жадвалини кўрсатади ва клуб аъзолари уни муҳокама этиб, машғулот ўтказиш учун haftани қайси кунлари йиғилиш кераклигини келишиб оладилар.
4. Машғулот бошланади. Сардор ушбу сессияда “Ўзбекистон қушларини муҳофаза қилиш жамияти” ташкилоти хақида билиб олишларини ва унинг ишида улар ҳам иштирок этиши мумкинлигини айтади.

**1-қоида:** Иштирокчилар ўнг қўлларини кўтариб гапиришни унутмасинлар, аксинча, улар бир-бирларидан баландроқ гапираман деб бир-бирларига халақит берадилар.

5. Сардор иштирокчилардан қайси ташкилотларни билишларини сўрайди ва ҳамма жавобларни ватманда ёзиб боради. Сўнгра сардор бошқа варақда ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ, ТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ва НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ёзиш учун жадвал тузади.
6. Сардор талабалардан бирини чақиради ва у муҳокамада айтилаётган ташкилотлар номини шу устунларга ёзади.

**2-қоида: Сардор бошқа талабалар сингари клуб аъзоси эканлигини, у ўқитувчи эмаслигини унутмаслиги ва талабаларни диққат билан эшитиши керак. Сардор талабалардан ҳаммаси тушунарлилигини сўраши ва сўзга чиққанларга миннатдорчилик билдириши керак.**



7. Сардор талабалардан Давлат ташкилотларини тижорат ва жамият ташкилотларидан қандай фарқи борлигини сўрайди. Ҳамма навбат билан ўз фикрларини айтиб бўлгандан сўнг, сардор натижаларни жамлаб туриб –

Жамият ташкилотлари умумий қизиқишга эга, ҳамда табиат ва жамиятга фойда келтирмоқчи бўлган фаол инсонлар томонидан ташкил этилишини айтади. Сардор яна шуни айтиб ўтадики – жамоат ташкилотлари демократиянинг белгисидир, чунки бунда давлат ўз ваколатларидан бир қисмини халқига топширади.

8. Сардор – Ўзбекистон қушларини муҳофаза қилиш жамияти (UzSPB) ҳам жамоат ташкилоти эканлигини ва унинг фаолиятида СИЗлар ҳам иштирок этишингиз кераклигини айтади.
9. Сардор бошқа клуб аъзоларидан UzSPB ҳақида нималар билишини сўрайди ва ҳамма жавобларни диққат билан эшитади. Агар талабалар жавоб беришда қийналсалар сардор уларга савол беради, масалан: UzSPB қачон ташкил топган? Нима билан шуғулланади? Жамиятнинг қайси тадбирларида иштирок этгансиз? Нима учун сиз UzSPBга аъзо бўлгансиз?

**Диққат!** Энди ҳар бир слайдда савол ва жавоблар пайдо бўлади. Масалан: савол – Асосий мақсадимиз нима? Жавоб – Қушларни муҳофаза этиш. Олдин сиз талабаларга саволни кўрсатинг, тўғри жавобни эшитганингиздан кейин ENTERни босиб тўғри жавобни кўрсатинг. Савол билан жавобни баравар кўрсатманг!

10. «Асосий мақсадимиз нима?» деган слайдни кўрсатамиз. Талабаларни жавобларини эшитамиз ва улар ичида тўғриси айтганимиз: Бизнинг асосий мақсадимиз – қушларни муҳофаза қилиш. Агар иштирокчилар тўғри жавобни беришга қийналсалар, улардан Жамиятимиз қандай номланганини сўранг. Жамият номидан келиб чиқиб унинг мақсадини билишимиз мумкин.

**Ёдда тутинг!** Жамият ҳақида билишимиз учун у НИМА қилмоқчи, НИМА УЧУН ва ҚАНДАЙ ҚИЛИБ деган саволга жавоб топиб билиб олишимиз мумкин.

11. Кейинги слайдни кўрсатиб иштирокчилардан қушларни НИМА УЧУН муҳофаза қилишимиз керак деган саволни берамиз. Яна қушлар бутунлай йўқ бўлиб кетса нима ўзгаришлар рўй бериши мумкин деб сўрашимиз мумкин. Кейин ENTERни босиб тўғри жавобни кўрсатамиз.
12. Кейинги слайдда ҚАНДАЙ ҚИЛИБ қушларни муҳофаза қиламиз деган савол пайдо бўлади. Иштирокчиларни ҳамма жавобларини эшитиб олиб, умумлаштириб ENTER ни босамиз ва саволга жавобни кўрсатамиз.
13. Энди, Жамият НИМА билан шуғулланишини, НИМА УЧУН ва ҚАНДАЙ ҚИЛИБлигини ҳамма билгандан сўнг унинг асосий мақсади ёки миссияси нимадан иборат эканлигини таърифлаб беришимиз мумкин. Иштирокчиларни биридан бу ҳамма саволларни жавобларини умумлаштириб, UzSPB вазифасини таърифлаб беришини илтимос қиламиз.
14. Кейин Жамият вазифаси кўрсатилган слайдни очинг ва иштирокчилар таърифлаганидан қанчалик фарқ қилишини кўрсатинг. Кейинчалик Жамият мақсади ва вазифалари, ҳамда унинг филиаллари, неча киши аъзолиги ва тузилиши ҳақида гапириб беринг.

***Ёдда тутинг! UzSPB – жамоат ташкилоти. Шунинг учун уни ҳамма аъзолар умумий йиғилиши бошқаради. Бу мажлисда раис ва директор сайланиб Жамиятнинг ҳамма муҳим масалаларини ҳал қилишда иштирок этадилар. ННТ (Нодавлат ва Нотижорат ташкилот) нинг тижорат ва Давлат ташкилотларидан асосий фарқи мана шундалигини ҳаммага айтинг!***

15. Презентация охирида ҳамма иштирокчилар саволларига жавоб беринг.

**2-хафта. Сессия 2.****Сессиянинг номи:** Microsoft Office Word**Давомийлиги:** 1 соат 30 дақиқа.**Машғулотга нималар керак:**

Машғулот ўтказиш учун 2 та компьютер (1тасини проекторга улаш учун, 2-ни талабаларни мустақил ишлашлари учун).

Сардор талабаларга тренинг вақтидагидек олдиндан WORD программасида мустақил ишлар тайёрлаб, бир нечта қоғозда чиқариб қўйиши керак.

**Диққат!** *Сессияни бошлашдан олдин уни эслаб кўринг. Презентация билан олдиндан танишиб чиқинг ва машғулотларни машқ қилиб кўринг ва УШБУ ЙЎРИҚНОМАНИ АЛБАТТА УЎҚИБ ЧИҚИНГ!*

**Сессиянинг бориши:**

1. Клуб сардори клубнинг ҳамма аъзоларини тўплайди. Ҳамма билан саломлашиб, бугун компьютер программаларини ўрганишимизни эълон қилади.
2. Машғулот бошланади. Сардор биринчи слайдни кўрсатади ва бу сессияда талабалар WORD дастури билан ишлашни ўрганишларини айтади. Ҳозирги кунда етук орнитолог олим бўлиш учун кузатув натижаларини таҳлил қилиши ва мақолалар ёзиш учун WORD дастурини билиш зарурлигини айтади.
3. Сардор презентацияни иккинчи слайдини кўрсатади ва Microsoft Office нинг ҳар бир дастури нимага керак деган савол беради.
4. Презентациянинг учинчи слайди. Сардор “Биламан. Билмоқчиман. Ўргандим” техникасини қўллайди. Ватман варағига 3та устун тортилади. Талабалардан бири чиқиб “Биламан” устунига ҳамма иштирокчиларни WORD дастури ҳақида билганларини ёзади. Кейин бошқа талаба чиқиб “Билмоқчиман” устунига талабаларни WORD дастури ҳақида ҳамма билмоқчи бўлган нарсаларини туширади. “Ўргандим” устунини сессияни охиригача бўш туради.

**Ёдда тутинг!** Сиз иштирокчиларни ҳамма фикр ва таклифларини эшитиб жадвалга ёзишингиз керак. Талабаларни фикрлари билан қизиқаётганлигимизни билишлари керак. Бўлмасам тренинг маърузага айланиб қолади.

5. Кейинги слайдни кўрсатамиз. Талабаларга иш столида (рабочий столда) Microsoft Word хужжатини пайдо қилишни, номлашни ва очишни кўрсатамиз.
6. Сардор WORD дастурида ишлаш учун энг асосийси ускуналар панелини (панели инструментов) билиш муҳимлигини айтади. У қандай панеллар борлигини кўрсатади, уларни ёқади ва ўчиради. Талабалар сардорни ишини қайтардилар.

**Ёдда тутинг!** Сессиянинг боришини тўлиқ назорат қилинг. Талабалар ўз компьютерларида сиз экранда кўрсатаётган WORD дастуридаги ҳамма амалларни қайтаришлари керак. Сиз тушунтираётган вақтингизда кимдир компьютерда расм кўриб ўтиришига ёки ўйин ўйнаб ўтиришига йўл қўймаслик керак. Сиз мураббийсиз – сизнинг қоидаларингизга риоя қилишлари керак!

7. Ҳар бир иштирокчи ускуналар панелини ёқиб ўчиришни билиши керак.
8. Сардор СТАНДАРТ, ФОРМАТИРОВАНИЕ, РИСОВАНИЕ, ТАБЛИЦЫ каби асосий масалалар панели ҳақида тушунтириб беради.

**Диққат!** Ҳар бир иштирокчи тушуниб етгандан кейингина тушунтиришни тўхтатишингиз мумкин. Тушуниб улгурмаганларга экранда яна қайтадан кўрсатиб тушунтиринг.

9. Масалалар панели билан ишлашни ўрганганларидан сўнг матн ёзишинг АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ билан таништиради.

10. ВАРАҚ ПАРАМЕТРЛАРИ (ПАРАМЕТРЫ СТРАНИЦ), АБЗАЦНЫЙ ОТСТУП, ШРИФТ ВА ИНТЕРВАЛЛАРНИ WORD дастурида экранда қўйишни кўрсатинг.

**Соатга қарашни унутманг! Машғулот вақтини аниқ режалаштиринг. Бир ярим соат кўпга ўхшайди. Бу 90 минут! Лекин сиз вақт қандай ўтиб кетганини сезмай қоласиз. Сессиядан олдин вақтни тахминан қуйидагича тақсимланг: «БИЛАМАН, БИЛМОҚЧИМАН, ЎРГАНДИМ» машқларига 15 минут, назарий материални презентациясига 50 дақиқа, машқ қилишга 20 дақиқа ва «Ўргандим» устунини тўлдиришга 5 дақиқа вақт ажратилади.**



11. Чоп этилмайдиган белгилар нима ва улар нимага кераклигини гапириб беринг. WORD дастурида ишлашни билмай туриб талабалар магистрлик диссертациясини ёза олмасликларини этиб ўтинг. Тренинг вақтида айтилганларни эсланг ва журнал ёки тўпламга нотўғри тўлдирилган мақолани қабул қилмасликларини айтинг.

12. Назарий маълумотларни амалда мустаҳкамлаш вақти келди. Талабаларга тайёрлаб қўйилган амалий машқларни тарқатинг. Уларга 20 дақиқа вақт ажратилишини айтинг. Машқларни бажаришда ҳамма иштирок этиши шарт.

***Диққат! Агар сиз бир нарсани тушунтирмоқчи бўлсангиз, бараварига ҳаммага ва ҳар бир талабага алоҳида тушунтиринг. Тренингда ўргатилганидек ҳар бирини кўзига қарашни унутманг.***

13. Сессия охирида ҳамма иштирокчилар саволарига жавоб беринг ва «ЎРГАНДИМ» устунини тўлдириг. Жадвални клуб деворига осиб қўйинг. У талабалар сизнинг сессиянгизда нималарни ўрганганини кўрсатиб туради.
14. Сессиянинг охирида «Адабиёт» файлини (CD/МОДУЛЬ-1/2-Ҳафта) чоп этинг ва ҳар бир иштирокчига тарқатинг.
15. Ҳар бир машғулотдан сўнг сизнинг маҳоратингиз ошади. Ҳақиқий сардор ҳар доим ўрганиши, керак бўлса ўз айбларида ҳам. Шунинг учун, ҳар сессиядан сўнг, машғулотларда нима яхши бўлди, нимани эса янада яхшироқ қилиш мукинлигини раҳбарингиз билан маслаҳатлашиб кўринг. Шундай қилиб, сиз ўз маҳоратингизни ошириб борасиз.

**3-хафта. Сессия 3.**

Сессиянинг номи: Microsoft Office Excel

**Давомийлиги:** 1 соат 30 дақиқа.**Машғулотга нималар керак:**

Машғулот ўтказиш учун 2 та компьютер (биттаси проекторга улаш учун, иккинчиси талабаларни мустақил ишлашлари учун). Сардор олдиндан талабаларга амалий машғулотлар учун машқлар тайёрлаб қўйиши керак. Бу талабалар Excel дастурида ишлаши керак бўлган кроссворд ёки жадвал бўлиши мумкин.

**Диққат!** Олдиндан презентация билан танишиб чиқинг ва машқ қилиб кўринг. Билинг, Сиз клубингиз аъзоларига гапирмоқчи бўлган маълумотингизни яхши билишингиз керак.

**Вақтингизни тахминан қуйидагича тақсимланг:** 15 дақиқа «БИЛАМАН. БИЛМОҚЧИМАН. ЎРГАНДИМ» машқи учун, 50 дақиқа назарий материаллар учун, 20 дақиқа амалиётга ва 5 дақиқа «ЎРГАНДИМ» устунини тўлдиришга.

**Сессиянинг бориши:**

1. Клуб сардори клубнинг ҳамма аъзоларини тўплайди. Ҳамма билан саломлашиб, бугун офис программаларидан яна бири - EXCEL ни ўрганишимизни эълон қилади.
2. Машғулотни Word дастурида бошланганидек «БИЛАМАН. БИЛМОҚЧИМАН. ЎРГАНДИМ» машқидан бошланг.
3. Microsoft Excel – бу сонли маълумотларни жадвал кўринишида бажарадиган дастурлигини айтасиз. Унда математик, молиявий ва статистик ҳисоблашлар, ҳисобот тайёрлаш, жадваллар, графиклар ва диаграммалар тузиш мумкин.
4. EXCEL иловаси варақлардан иборат бўлиб, сонли каталар ва матнли катта жадваллардан иборат.
5. Талабалардан бирини чақириб доскада ҳохлаган жадвални тузишни айтинг. Кейин, бошқа талабалардан ушбу жадвалдаги бита ҚАТОР, УСТУН ва КАТАКЛАРНИ турли

ранглар билан бўяшни айтинг. Бу машқ ҳаммага жадвал тузилиши ва элементларини фарқига боришни, ҳамда, у нималардан иборат эканлигини эслаб қолиш учун керак.

6. Сардор экранда Microsoft Excel дастурини очади ва ПАРАМЕТРЫ СТРАНИЦ да мослаб олишни кўрсатади. Сўнг, жадвал ҳосил қилиш, унга матн киритиш ва сонларни жамлашни кўрсатади. Буларнинг ҳаммаси презентацияда бор, лекин, сардор сессиядан олдин EXCEL дастури қандай ишлашни эслаб олиши учун презентацияни бир неча бор такрорлаб олиши керак.

**Ёдда тутинг! Слайдда берилган машғулоти талабалар ўз компютерида бажариб бўлгандан сўнггина кейинги слайдга ўтишингиз мумкин. Бунинг учун сиз ҳам EXCEL дастурини очиб, слайдда кўрсатилган машқларни экранда бажариб кўрсатишингиз мумкин. Талабалар презентацияда кўрсатилганидек машқлардаги кетма-кетликка амал қилишларини назорат қилинг, бўлмаса улар адашиб кетадилар.**

7. Талабалар ўз компютерларида жадвалда ҳамма ускуналар нархини чиқариб бўлганларидан сўнг, уларга EXCEL дастурида қандай қилиб кроссворд тузиш мумкинлигини кўрсатинг.
8. Талабалар билан презентацияда кўрсатилганидек кроссворд тузинг. Кроссворд бир нечта жадвалдан тузилишини ёдда тутинг. Кроссворд катаклари пропорционал ва квадратлиги муҳимдир. Кроссворд катаклари бир ҳил бўлиши учун олдинига бутун кроссвордни белгилаб олинг. Бунинг учун мишнинг чап тугмаси билан Excel ҳужжатини чап бурчагига босинг («1» билан «А» катагини орасига). Шунда битта катак ўлчамини ўзгартириб ҳамма катакларни ўзгартирамиз. Шу тариқа сизнинг кроссвордингиз катаклари тўғри тўтбурчак ва бир ҳил ўлчамда бўлади.
9. Презентация охирида сиз талабаларга 20 дақиқа мобайнида EXCEL дастурида қушлар ҳақида кичкина кроссворд тузишни топширишингиз мумкин.
10. «ЎРГАНДИМ» устунини тўлдиришни унутманг.

**4-хафта. Сессия 4.**

Сессиянинг номи: Microsoft Office Power Point

**Давомийлиги:** 1 соат 30 дақиқа.**Машғулотга нималар керак:**

Машғулот ўтказиш учун 2 та компьютер (бири проекторга улаш учун, иккинчиси талабаларни мустақил ишлашлари учун).

Машғулотни бошлашдан олдин экранда презентация кўрсатиш учун компьютерда битта анимацияли слайд тайёрлаб олинг. Ушбу слайддаги фотосуратларни талабалар ишлатаётган компьютерга ҳам солиб қўйинг. Сардор презентация охирида талабаларга қандай топшириқ беришни ўйлаб қўйиши керак. «Клубимиз», «Клуб экспедициялари», «Қушлар» каби мавзулар бўйича бир нечта презентациялар тайёрлашни топширишингиз мумкин.

**Диққат!** Презентация билан олдиндан танишиб чиқинг, АДАБИЁТЛАР файлини ўрганиб чиқинг, машғулотни машқ қилиб кўринг ва АЛБАТТА УШБУ ЙЎРИҚНОМАНИ ЎҚИБ ЧИҚИНГ!

**Сессиянинг бориши:**

1. Клуб сардори клубни ҳамма аъзоларини тўплайди. Ҳамма билан саломлашиб, бугун компьютер программаларини ўрганишни давом эттиришимизни эълон қилади.
2. Машғулот бошланади. Сардор биринчи слайдни кўрсатади ва бугунги сессияда талабалар Power Point дастурида ишлашни ўрганишларини айтади.
3. «БИЛАМАН. ЎРГАНМОҚЧИМАН. ЎРГАНДИМ» машқини бажаринг.
4. Microsoft Power Point дастури - компьютерда презентациялар тайёрлаш учун яратилганлигини айтинг. У матн, нутқ, фотосуратлар, анимация, графика, товуш ва видео ёрдамида чиройли презентациялар тайёрлаш имконини беради.

**Ҳаммага айтинг!** *Ҳар бир клуб аъзоси ўз клуби фаолияти ва унинг ютуқлари ҳақида Power Point дастурида чиройли презентациялар тайёрлашни билиши керак. Ҳозирги кунда агар сиз презентация қилишни билмасангиз, конференция, мажлис ва семинарларда нутқ сўзлаб чиқа олмайсизлар!*

5. Талабалардан Power Point дастурини очишни сўранг. Слайд ҳосил қилишни, МATH МАКЕТИНИ танлашни ўргатинг.
6. Сўнгра талабалар презентацияда кўрсатилган слайдни яратишлари керак.
7. Слайдга РАСМ ёки ФОТОСУРАТ жойлашни ва СЛАЙД ДИЗАЙНИНИ ўзгартиришни тушунтиринг.

**Ёдда тутинг!** *Power Point да сурат хажмини ўзгартирмоқчи бўлсангиз, фотосуратни фақат бурчакларидан тортинг. Ҳеч қачон суратни эни ва бўйини алоҳида ўзгартирманг, йўқса сурат пропорциялари ўзгариб кетади!*

8. ШАБЛОН БЕЗАГИНИ (ШАБЛОНЫ ОФОРМЛЕНИЯ) ўзгартиришни кўрсатинг.
9. АНИМАЦИЯ (НАСТРОИТЬ АНИМАЦИЮ) ҳақида ҳам гапириб беринг.
10. «АНИМАЦИЯ» слайдини очиб, қайси эффектлар ишлатилганлигини кўрсатинг.
11. Кейин, олдиндан тайёрлаб қўйилган анимацияли слайдни кўрсатинг. Талабалар билан биргаликда ушбу слайдни бошидан бошлаб тайёрланг ва улар ҳам сиз билан ўз компьютерларида кетма-кет ишласинлар.
12. Амалий машқни беришдан олдин, аудитория олдида туриб нутқ сўзлаётганда ўзини қандай тутиш кераклиги ҳақида гапириб ўтинг. Бу ҳақда биз тренингда тўлиқ гапириб ўтганмиз ва қуйидаги пунктларга эътибор беринг:

- ✓ **Презентацияда энг асосийси бу – маърузачи! Сиз энг чиройли презентация тайёрласангиз ҳам экрандан ўқиб берадиган бўлсангиз, сизни ҳеч ким эшитмайди;**
- ✓ **Юзингиз билан экранга эмас аудиторияга қараб туринг;**
- ✓ **Аудитория билан эмас, экран билан гаплашаётгандек кўринмаслик учун экрандан ўқиманг;**
- ✓ **Табиий кўриниш ва чарчамаслик учун ўзингизни енгил ва эркин ҳолатда тутинг;**
- ✓ **Гапирганда баланд ва тушунарли гапиринг;**
- ✓ **Чиройли имо-ишора ишлатинг;**
- ✓ **Ҳар бир тингловчини кўзига қарашга ҳаракат қилинг;**
- ✓ **Ўз ташқи кўринишингизга аҳамият беринг, чунки, нутқ сўзловчи ҳақидаги биринчи 70% фикр унинг ташқи кўринишидан келиб чиқади;**
- ✓ **Хазил-мутуйибани ёдда тутинг ва кулишни унутманг;**
- ✓ **Бу презентация олиб боришнинг ҳамма қоидалари эмас. Бу рўйхатни ўзингиз керак деб билган нарсаларингиз билан тўлдиринг. Ўзингизнинг биринчи презентациянгиз қандай бўлганлиги ҳақида ҳам гапириб ўтинг албатта.**

13. Сўнгра амалий машғулотларга ўтамиз. Уни бажаришга 20 дақиқа вақт ажратилади.
14. Талабалар презентацияларини тайёрлаб бўлганларидан сўнг, улардан бирига доскага чиқиб тушунтириб беришларини сўранг. Тренинг вақтини эсланг.
15. Талаба презентацияни тугатиб бўлгач, унга миннатдорчилик билдиринг ва бошқалардан нима яхши бўлди, ёки нимани янада яхшироқ қилиш мумкин эди деб сўранг.

**Ёдда тутинг!** Талабалар бажарган ишини кўпчилик бўлиб таҳлил қилганда, олдин нималар яхши чиққанини гапиринг. Биринчи бўлиб фақат яхши тарафларини эсланг, кейин эса, нималарга аҳамият беришни ва келасида нималарни яхшироқ қилиш кераклиги ҳақида гапириб ўтинг.

**Ҳеч қачон ўқувчиларингизни танқид қилманг ва устидан кулманг. Сиз ўзингиз ҳам бир вақтлар кўп нарсани билмаганлигингизни ёдда тутинг.**

16. Эслаб кўринг, сиз Тошкентдаги тренинг вақтида биринчи презентацияларигизда қандай хатоларга йўл қўйгансиз.
17. Ўртоқларингиз презентацияларини таҳлил қилаётиб, презентация тузишдаги қуйидаги қоидаларга аҳамият беринг:

1. **Презентация тайёрлаётиб, ўз чиқишингизни камида 5, кўпи билан 15 дақиқага мўлжалланг;**
2. **Презентацияга 5-7 тадан ортиқ слайд қўйманг ва улар сизнинг нутқингизнинг режаси бўлиб хизмат қилсин;**
3. **Презентациянгиз сарлавҳа ва матнларида шрифт, ҳарф ўлчамлари, ҳамда, шрифт ранги бир ҳил бўлсин;**
4. **Ёзув яхши кўриниши ва осон ўқилиши мақсадида матн ранги фон рангидан ажралиб туриши керак;**
5. **Ҳеч қачон слайдга бутун абзацларни киритманг – бари-бир уни ҳеч ким ўқимайди;**
6. **Яхши слайд – бу сарлавҳа, бир ёки иккита гапдан иборат матн ва фотосурат ёки расмдир;**
7. **Тингловчилар эътиборини сиз гапираётган мавзудан тортмаслик мақсадида, битта ёки иккита оддий эффектдан ошиғини ишлатманг;**
8. **Ҳеч қачон презентацияга ўлдирилган ёки экспедиция давомидаги ов жараёнлари фотосуратларини қўйманг. Эсингизда турсин – биз ҳаммамиз қушларни МУҲОФАЗА қилиш жамияти аъзоларимиз. Муҳофаза деганда эса, тирик қушларни тушунилади ва қўлда милтиқ кўтариб эмас албатта!**

**1-хафта. Сессия 5.****Сессиянинг номи: Фотосуратлар билан ишлаш****Давомийлиги:** 1 соат 30 дақиқа.**Машғулотга нималар керак:**

Машғулот ўтказиш учун 2та компьютер (биттаси проекторга улаш учун, иккинчиси талабаларни мустақил ишлашлари учун).

Агар сизнинг компьютерингизга PHOTOSHOP ва Picasa ўрнатилмаган бўлса шу дискдан ўрнатиб олинг (*CD/МОДУЛЬ-2/4-Ҳафта/Компьютер саводхонлиги: фотосуратлар билан ишлаш/Ўрнатиш учун программалар*).

Олдиндан Photoshop программасида мисол сифатида ишлаб кўрсатиш учун бир неча суратни ажратиб олинг. Photoshop программасида сизнинг хатти-харакатингизни қайтаришлари учун ушбу суратларни талабалар ишлатаётган компьютерга кўчириш.

***Диққат! Бу етарлича мураккаб сессия. Сессиядан олдин PHOTOSHOP ва Picasa программаларини очинг ва бу программаларда суратларга қандай ишлов берилишини эслаб кўринг. Ушбу программаларда ишлаш АДАБИЁТ файлида келтирилган ва сиз уни яхшилаб ўрганиб чиқишингиз керак!***

**Сессиянинг бориши:**

1. Сардор ҳаммани тўплайди. У ҳамма билан саломлашиб шундай дейди – ҳар бир клуб экскурсияда фотоаппаратдан фойдаланади. Бу фотосуратлар ҳисоботлар ва мақолалар ёзишда, ҳамда презентациялар тайёрлашда керак бўлади. Аммо, суратга олишнинг ўзи етарли эмас. Олинган суратлардан кейинчалик фойдаланиш учун уларни сақлаш билан бир қаторда уларга ишлов беришни билиш керак. Шу мақсадда суратларга ишлов берадиган ва сақлайдиган Adobe Photoshop, ҳамда Picasa дастурларини билиш керак.
2. Сардор Photoshop дастури нимага хизмат қилишини айтади.
3. Сўнгра сардор Photoshop дастурида суратлар қандай қилиб ОЧИЛИШНИ кўрсатади.

4. Сардор фотосуратларни қандай қилиб КАДРЛАШНИ кўрсатади.
5. Сардор фотосуратлар ҲАЖМИНИ камайтиришни кўрсатади.
6. Фотосуратларни электрон почтадан юборишда Photoshop дастурида ҳажмини кичрайтирмасдан юбориб бўлмаслигини айтинг. Фотосурат ҳажмини ўзгартириб сиз унинг килобайтлардаги оғирлигини камайтирасиз ва уни почтадан юбориш осонлашади.

***Ёдда тутинг! Фотосуратларни электрон почтадан юборганда унинг оғирлиги 300 кб дан ошмаслиги керак! Бу иш юзасидан хат ёзишнинг маданияти ҳисобланади. Агар сиз уни бузсангиз, сизни саводсиз деб қабул қиладилар. Ҳеч қачон 1, ёки ундан ошиқ мегабайт ҳажмдаги суратларни юборманг! Фотосуратлар юбораётган манзилга етиб бормаслиги мумкин. Бундай фотосуратларни қабул қилиш кўп вақт ва интернет трафигини ортиқча сарфлашга олиб келади.***

7. Сардор қандай қилиб ЁРУҒЛИК ва КОНТРАСТ кўшишни кўрсатади.
8. Сардор JPEG форматдаги ва ўртача 300 кб ҳажмда ўзгартирилган фотосуратни сақлаб қўйишни кўрсатади.

***Ёдда тутинг, ҳамма иштирокчилар сиз экранда нимани кўрсатаётган ва қандай кетма-кетликда бажараётган бўлсангиз худди шундай тартибда бажаришлари керак. Бўлмаса сиз уларга ўргатмоқчи бўлган нарсаларни ўргата олмайсиз.***

9. Энди клуб аъзоларига PICASA дастури ҳақида гапириб беринг. Ушбу дастурни очинг ва битта фотосуратни танланг, КАДРЛАНГ, турли ЭФФЕКТларни қўлланг. Талабаларга дастурни турли эффектлари ва бошқа имкониятлари билан танишишга имконият яратинг.



10. Энди ҳаммага коллаж қандай қилинишини кўрсатинг.
11. Клуб аъзоларига мустақил иш сифатида бир нечта суратларни танлаб олиб PHOTOSHOP ва PICASA дастурларида ишлов бериб бир-қанча коллаж яратишни топширинг.

**2-хафта. Сессия 6.**

Сессиянинг номи: Интернет

**Давомийлиги:** 1 соат 30 дақиқа.**Машғулотга нималар керак:**

Машғулот ўтказиш учун Интернетга уланган компьютер, проектор, ватман, маркер, скотч, лазер кўрсаткич, ва Интернетда ишлашни, ҳамда, ушбу сессия материаллари билан танишиб чиққан клуб сардори керак бўлади.

**Диққат! Сессиянинг бошида «БИЛАМАН, БИЛМОҚЧИМАН, ЎРГАНДИМ» машқини ўтишни унутманг. Машғулотни бошлашдан олдин презентацияда гапириб ўтиладиган Ўзбекистоннинг экологик Интернет-ресурслари билан яхшилаб танишиб чиқинг.**

**Сессиянинг бориши:**

1. Машғулотни кичик ўйиндан бошлашга ҳаракат қилиб кўринг. Клуб аъзолари дарсларда ўтиришдан зериккан бўлишлари мумкин. Фаол ўйин чарчоқни енгилга, тарангликни йўқотишга ва материални унумли ўзлаштиришга ёрдам беради. “Гордиев тугуни” номли ўйинни ўйнаб кўришларини маслаҳат берамиз. Бу ўйинни маъноси қуйидагича. Иштирокчилар доира ҳосил қилиб кўзларини юмадилар. Кейин улар тарқаладилар ва ҳар бир ўйинчи кимнидир қўлини ушлаб олишлари керак. Шундан сўнг улар кўзларини очадилар ва айланиб, бир-бирларидан ошиб ўтиб ҳосил бўлган тугунни ечишга ҳаракат қиладилар. Қўлларни узиш тақиқланади. Тугун ечилиб ҳамма иштирокчилар яна доира ҳосил қилиб туришлари ўйин тугаганини билдиради (Ўйин вақти 10-15 дақиқа).
2. Сардор клуб аъзоларини тўплайди. Ҳамма билан саломлашиб бўлгач, уларга компьютерда ишлашдан яна бир маҳорат - Интернетдан тўғри фойдалана олишдир деб айтади. Интернет ҳозирги кунда нафақат улкан ахборот ресурси, балки дунёни турли мамлакатларидаги

миллионлаб инсонларнинг алоқа воситаси ҳамдир. Бу ахборот алмашишда кучли восита ҳисобланади. Ҳар кунги Интернетдан фойдаланмасдан ҳеч қайси табиат муҳофазаси ташкилоти ишлай олмайди. Клуб аъзолари Интернетдан клуб ҳақида презентация ва доклад тайёрлашда керакли маълумотлар олишни билишлари зарур. Яна электрон манзилдан фойдаланишни ва e-mail орқали UzSPB ходимлари ва бошқа клуб аъзолари билан алоқада бўлишлари керак.

**Ҳаммага айтинг!** *Жамият ходимлари билан Интернет ва электрон почта орқали доимий алоқада бўлмасангиз Сиз қушларни муҳофаза қилиш Жамияти ишида тўлақонли иштирок эта олмайсиз. Ҳар бир клуб сардори ва аъзосининг ўз e-mail манзили бўлиб, уни доимий текшириб туриши ва табиат муҳофазаси координатори, сардорлар ва бошқа клуб аъзолари билан доимий алоқада бўлиши керак!*

3. Ҳозир 5 та бёдвочер клубларидан фақат Тошкентдаги клуб компютери Интернетга уланган. Бошқа клуб компютерларини доимий Интернет тармоғига уланмаганлиги клуб сардорлари, аъзолари ва уларни ўзаро, ҳамда, табиат фаолияти координатори билан информაციон алоқани амалда доимий бўлмаслигига олиб келади. Бу жиддий муаммо бўлиб клуб ишини ривожланишини секинлаштиради. Сардор ва клуб аъзолари ўз компютерларини Интернетга улаш йўллари излашлари керак.
4. Презентациянинг биринчи слайдини кўрсатинг. Клуб аъзоларига савол беринг: Интернет ҳақида ким нимани билади? Клуб аъзоларини биридан доскага чиқиб ҳар бир жавобни ёзишни илтимос қилинг.
5. Иккинчи слайдни кўрсатинг. Ҳамма жавобларни умумлаштириб хулоса чиқаринг – Интернет бу ҳозирда 1,5 миллиард фойдаланувчиларни ўзида бирлаштирган глобал Компютер тармоғи ҳисобланади! Бундан ташқари

бутун дунёдаги инсонларни алоқа усули, яна энг тезкор ва унумли ахборот воситаси ҳамдир.

**Эътибор қилинг!** *Биз ахборот технологиялар асрида яшамоқдамиз. Ҳозирги информацион жамиятда ҳеч қандай ташкилот ёки ёшлар клуби Интернет тармоғисиз ишлай олмайди. Ривожланган мамлакатларда сизнинг клубингиздагидек клуб аъзолари ҳар кун электрон почта орқали ўнлаб ҳатлар оладилар ва юборадилар. Ҳар бир бёдвочер клублари ўз клуб компьютерини Интернетга уланиш йўлини топиши керак.*

6. Интернетда фойдаланиш учун махсус программа – Интернет браузер кераклигини айтинг. Турли туман браузерлар бор, масалан Internet Explorer, Opera ва бошқ. Кўпчилик Opera дан фойдаланадилар, чунки Web-сарлавҳаларни очишда қулай ва тезкор программасидир. Агарда клубингиздаги компьютерда бу браузер ўрнатилмаган бўлса, ўрнатиш (CD/МОДУЛЬ-2/2-Ҳафта/Интернет программалар/Opera).
7. Кейинги слайдни очинг ва Opera программасидаги манзил қатори (адресная строка) ва ускуналар панели (панели инструментов) ҳақида гапириб беринг. Opera программасини очинг, манзил қаторида бирор нарсани, масалан, [www.rambler.ru](http://www.rambler.ru) ни теринг, ва программа билан ишлашни кўрсатинг.
8. Кейинги слайдни кўрсатинг ва Интернетда кўпгина Google, Yahoo, Rambler каби қидирув тизимлари борлигини айтиб ўтинг.
9. Ҳар бир қидирув тизимининг матн майдони борлигини айтинг. Бу ойна орқали сизни қизиқтирган маълумотни топишингиз мумкин. Рамблер қидирув тизимида матн майдони куйидагича кўринишга эга. Масалан, Интернетдан Ўзбекистон қушларни муҳофаза қилиш жамияти ҳақида маълумот олмоқчи бўлсак ушбу ойнага жамиятнинг номини ёзинг.

10. Клуб аъзоларининг қайси бирларида e-mail манзили борлигини сўранг. Талабалар ичида электрон манзил очмаганлари ҳам бордир. Уларга [www.mail.ru](http://www.mail.ru) сайти мисолида почта адреси очишни кўрсатинг. Бу ишда олдин почта манзили очган талабалар ёрдам беришлари мумкин.
11. Машғулот охирида, ҳар бир клуб аъзосига электрон манзил ҳосил қилинган, талабаларни электрон манзиллари ва исм фамилиялари туширилган умумий рўйхат тузиб, уни клуб координаторининг электрон манзилига юборинг.
12. Клуб компьютерига ўрнатиш керак бўлган яна бир программа бор. У Skype деб номланади (*CD/МОДУЛЬ-2/2-Хафта/Интернет программалар/Skype*). Бу программа сизга Интернет орқали реал вақтда бошқа клуб аъзолари ва Жамият ходимлари билан тезда маълумот алмашиш имкониятини беради.



13. Энди ҳаммага AviCA маълумотлар базаси мисолида қушларни ўрганишга қандай қилиб ўз ҳиссангизни қўшиш мумкинлигини тушунтириб беринг. AviCA - Интернетда жойлаштирилган қушларни биологияси ва тарқалиши ҳақидаги база бўлиб, ер юзасининг турли бурчакларидаги

фойдаланувчиларга Ўрта Осиё қушлари ҳақида маълумотлар киритиш ва уларни олиш имконини беришини айтинг.

14. Сўнгра ҳаммага бу базага рўйхатдан ўтиш йўлларини кўрсатинг.

**Диққат!** Ўзбекистон учун Интернетдаги ушбу база манзили [www.avica.uz](http://www.avica.uz). Базадан фойдаланиш бўйича саволлар билан **AviCAnи** Ўзбекистондаги техник элчисига мурожаат этишингиз мумкин (**Anna Ten [anna.ten@iba.uz](mailto:anna.ten@iba.uz)**).

15. Клуб аъзоларига кичик уй вазифаси бажаришни таклиф этинг. Топшириқнинг номи “Клубимизнинг ривожланиши учун биз Интернетдан қандай фойдаланишимиз мумкин?” деб номланади. Балки, кимдир Интернетдан клуб иштирок этиши мумкин бўлган акция ёки конкурсни топиши мумкин. Кимдадир клубнинг Интернет варағини яратиш фикри пайдо бўлса, кимдир Қозоғистон ёки бошқа давлатлар бёдвочерлар клублари билан Интернет алоқани йўлга қўйишни таклиф этиши мумкин. Ҳар бир клуб аъзоси ўз фикрини бир варағда ёзиб ёки чизиб келиб кейинги сессиянинг бошида тақдим этиши керак.

**Ёдда тутинг!** Агарда сиз уй вазифа берсангиз, кейинги сессиянинг бошида текширишни унутманг. Бажарилган топшириқни талабанинг шахсан ўзи бошқа аъзоларга аудиторияда туриб тақдим этсин. Таклиф этилган ёки чизилган варақларни сизларни ҳамкорликдаги ишларингиз сифатида кўриниб туриши учун деворга осиб қўйиш керак. Бу «**БИЛАМАН, БИЛМОҚЧИМАН, ЎРГАНДИМ**» машқлари ва бошқа материал варақларига ҳам тегишлидир.

**3-хафта. Сессия 7.****Сессиянинг номи: Ҳисоботларни расмийлаштириш****Давомийлиги:** 1 соат 30 дақиқа.**Машғулотга нималар керак:**

Машғулот ўтказиш учун 2 та компьютер (биттаси проекторга улаш учун, иккинчиси талабаларни мустақил ишлашлари учун).

**Диққат!** *Сессия етарли даражада мураккаб бўлиб Excel дастурида ишлашга асосланган. Шунинг учун презентациядаги машқларни тушунтиришдан олдин уларни ўзингиз бажариб кўринг.*

**Сессиянинг бориши:**

1. Сессияни бошлашдан олдин 10 дақиқа мобайнида «Лайлак ва пингвин» номли кичкина ўйин ўтказинг. У ҳаракат орқали руҳий тарангликни олдини олишга қаратилган. Ўйин маъноси қуйидагича. Ўйинчилардан бири лайлакни тасвирлаб кенг қадамлар ташлаб тумшуғини бир очиб, бир ёпиб юради. Қолган ўйинчилар пингвинларга айланиб, қўларини (қанотларини) ўзига сиқиб олиб калта қадамлар билан лайлақдан қочишга ҳаракат қиладилар. Агар у уларни тутиб олса, улар ҳам лайлакка айланадилар. Ўйин ҳамма пингвинлар лайлакка айланиб бўлгандан сўнг тугаган ҳисобланади.
2. Биз ҳаммамиз иштирок этаётган таълим дастури биринчи навбатда ҳар бир клуб аъзосини илмий ва жамоа ишларида мустақил ишлашига қаратилганлигини айтиб ўтинг. Демак, тренинг тугагач, клуб аъзолари клуб сардори бошчилигида лойиҳалар ёзадилар, экспедициялар уюштирадилар, ҳисоб натижаларини таҳлил этадилар, республикамиздаги ва чет эллардаги бошқа ёшлар клублари билан ҳамкорликда ишлайдилар. Ҳисоботларни ҳам ўз кучлари билан ёзадилар. Бу сессияда сиз қандай қилиб Excel дастурида молиявий ҳисобот ёки смета тузишни билиб оласиз.

**Диққат!** Экспедиция ёки акция учун маблағ олганда бу маблағни нималарга сарф этганлигиниз ҳақида тўғри ва аниқ ҳисобот тайёрлаш муҳимдир. Агар сиз лойиҳа бўйича молиявий хатоликка йўл қўйсангиз сизга ҳомийлик қилаётган ташкилот кейинчалик ҳеч қачон сизни қўллаб-қувватламайди. Ҳисобот тайёрлаётганда бунини ҳеч қачон эсдан чиқарманг.

3. Презентациянинг биринчи слайдини кўрсатинг. Йилдан-йилга клубларни экспедиция ва санокларни ўтказишига турли моддий ёрдамларни олиш эҳтимоли кўпайиб бормоқдалигини айтинг. Шу сабабдан экспедициялар учун маблағ олишга талабнома тўлдиришни ўрганиш керак. Бу сессия тамомила ҳисоботлар тузишга бағишланган.
4. Иккинчи слайдни очинг ва шароитдан келиб чиққан ҳолда Excel жадвалини тузиб, унга ҳаммага керакли маълумотларни киритиб, ҳисоб амалларини бажариш керак. Сўнгра Excel да ҳосил қилиш керак бўлган жадвални кўрсатинг
5. Машқни бажаришга киришишларини айтинг. Агарда гуруҳда саволлар пайдо бўлса, уни экранда Excel дастурида тушунтириб беринг.

**Ёдингизда тутинг,** Excel дастуридаги ҳамма ҳисоб амаллари «Компьютер саводхонлиги: Microsoft Excel» сессиясида ўтилган формулалар асосида ўтилиши керак. Масалан: «Разминка» машқида жадвалнинг «Умумий нарх» ва «Жами» устунлари клавиатура орқали эмас, формулалар ёрдамида тўлдирилиши керак. Бу кейинги машқларга ҳам тегишли.

**4-хафта. Сессия 8.****Сессиянинг номи: Илмий ҳисобот****Давомийлиги:** 1 соат 30 дақиқа.**Машғулотга нималар керак:**

Машғулот ўтказиш учун компьютер, проектор, ватман, маркерлар, скотч, лазер кўрсаткич керак бўлади.

**Диққат!** Янги сессияни кириш қисми сифатида “Ақлий хужум” деб номланган усулни қўллаш мумкин. У қисқа вақт ичида (10-15 дақиқа) кўпчилик ёрдамида саволга жавоб топиш ёки қандайдир бир нарсага таъриф бериш имконини беради. Ақлий хужумни талабаларга Илмий ҳисобот нима деган савол беришдан бошланг. Сўнгра, бирин-кетин ҲАММА ЖАВОБЛАРНИ доскага ёки ватманга ёзинг. Ақлий хужумни асосий шартини – иштирокчиларни эркин фикрлашига йўл бериш ва ҳар бир фикрни ўз ҳуқуқига эга бўлишидир. Ҳамма ўз фикрларини айтиб бўлгач, уларни таҳлил этиб умумлаштиринг. Шундай қилиб, илмий ҳисоботга биринчи таъриф берилади.

**Сессиянинг бориши:**

1. Презентациянинг биринчи слайдини кўрсатинг. Ҳисобот – аниқ далилларга асосланган, маълум бир масала бўйича маълумот берувчи расмий ахборот бўлиб аниқ маълумотларга асосланганлигини айиб ўтинг. Илмий ҳисоботлар асосида кузатувлар, тадқиқотлар, экспериментлар ва бошқалар ҳақида маълумотлар ётади. Ҳисоботлар оғзаки ва ёзма бўлиши мумкин. Уларни форматлари содда ёки мураккаб бўлиши — ўзида диаграммалар, жадвал, расм, сурат ва бошқа нарсалар тутиши мумкин.
2. Презентациянинг иккинчи слайдини очинг. Ҳар бир илмий ишни ёзишда, шу жумладан ҳисоботларни ёзишда ҳам ягона услуб борлигини айтинг. Унда фактларни аниқ ва тўлиқ баён қилиниши, ҳодисаларни ўзаро алоқаси,

таҳлили, натижа ва хулосаси тушунилади. Илмий услуб мантиқийлиги, тартиблилиги ва кетма-кетлилиги билан характерланади. Ҳисобот информатив, аниқ, қисқа ва фактларга бой бўлиши керак. Ҳисоботни формати, у қандай бўлимлардан иборат эканлиги ҳақида ҳам гапириб ўтинг. Ҳисоботнинг ҳар бир бўлими бир-бирлари билан мантиқан боғланган бўлиши керак.

***Эътиборингизни қаратинг! Ҳисобот – бу биринчидан ҳужжат бўлиб, сизнинг бажарган илмий ишингиз натижаси ҳисобланади. Илмий ҳисоботдаги сонлар, лотин, маҳсус термин, графика ва хариталарни фақат тор соҳа мутахассислари тушунадилар. Шу билан улар илмий-оммабоп мақолалардан фарқ қилади.***

3. Учинчи слайдни очинг. Бу ерда аниқ бир ҳудудда кушлар устида ўтказилган саноқни қисқа ҳисобот формаси - ҳисоб карточкаси кўрсатилган. Ушбу карточкани ҳар бир пунктани тўлиқ тушунтириб беринг.



4. Аммо, ҳисоб карточкаси илмий ҳисобот учун қисқа маълумот бера олади. Ҳисобот экспедициянинг натижаси ҳисобланиб, олиб борилган тадқиқот ҳақида тўлиқ ва батафсил маълумотларни ўзида тутмоғи керак. Бундай ҳисобот ёзганда маълум тартибга риоя қилиш керак бўлиб, у қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади.
5. 4-слайд. Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблигини кўрсатиш керак (нима учун айнан шу экспедицияни ўтказиш муҳим эди, ўрганилган ҳудуд қандай аҳамиятга эга). Тадқиқотнинг мақсади (экспедициядан олинган натижа) ва вазифаси (ушбу натижага эришиш учун бажарилган ҳаракат) ҳам кўрсатилади. Сиз бажарган ишнинг аҳамиятини кўрсатиш ҳам муҳимдир (балки, камайиб бораётган турлар сони, ёки ушбу ҳудудга янги бўлган турлар ҳақида янги маълумотлар тўплангандир).

***Аниқ рақам ва маълумотлар келтиришни унутманг. Ҳисоботда сиз қанчалар аниқ маълумот келтирсангиз у шунчалар қимматга эга бўлади!***

6. “Кузатиш олиб борилган ҳудуд” бўлимида биотопни кўрсатиш керак (чўл, тоғ, сув олди, тоғ олди), саноқ ўтказилган ҳар бир нуқта координатаси ва уларни харитада белгилаш лозим. Ёдингизда тутинг, ҳисоботда маълумот етказишни муҳим манбаларидан бири фотосуратлардир. Лекин улар юқори сифатда бўлмоғи керак.
7. Ҳисоботда ҳамиша кузатилган сана, экспедиция иштирокчиларининг исм-фамилиялари, иш ёки ўқиш жойи, илмий даражаси ва лавозими кўрсатилган бўлиши керак.

***Ҳисоботингизда экспедиция ташкилотчиларини кўрсатинг ва уларни логотипларини ҳисобот жилдига туширинг. Ўзбекистон қушларни муҳофаза қилиш жамияти логотипи клубнинг ҳамма ҳисоботларида бўлиши шарт!***

8. Презентация давомида саноқ вақтини ва маълумотларни киритишни кўрсатинг. Талабаларга “Нима учун бизга экспедициялар уюштиришимиз ва қушлар ҳақида маълумотлар тўплашимиз керак?” деган савол беринг. Тўпланган маълумотлар таҳлили натижасида конкрет турлар ҳақида маълумотлар олиш мумкинлигини уларни ўзлари тушуниб етишларига қўйиб беринг. Бу маълумотлар маълум бир турларга хавф солаётган омилларни ва уларни муҳофаза қилиш чораларини ишлаб чиқишни имкон беради. Ушбу маълумотларни тўплаш ва улар устида ишлаш қуроли маълумотлар базаси ҳисобланади.
9. Танаффусдан сўнг кичкина амалий иш бажаринг:  
1-топшириқ. 5-слайдни очинг. Excel дастури ёрдамида келажакдаги экспедициялар ҳисоботини тузишда фойдаланиладиган саноқ карточкасини тузинг. Машқни бажаришга 25 дақиқа вақт.  
2-топшириқ. Бу сессиянинг қандай ўтганлиги ҳақида ярим бет ҳисобот ёзинг. Ҳисоботда қуйидаги саволларга жавоб беринг: “Сессия қачон ўтказилди?”, “Қанча вақт давом этди?”, “Кимлар иштирок этдилар?” (талабалар фамилияси ва курси), “Машғулотлар қаерда ўтказилди?” (университет номи, факультет, клуб, аудитория номери), “Машғулотларни ким ўтказди?” ва бошқ. Ҳисоботни уч дона яхши фотосуратлар билан [oleg.kashkarov@iba.uz](mailto:oleg.kashkarov@iba.uz) манзилига юборинг. Топшириқни бажаришга 15 дақиқа.

**1-хафта. Сессия 9.****Сессиянинг номи: Биохилма-хилликка таъриф****Давомийлиги:** 1 соат 30 дақиқа.**Машғулотга нималар керак:**

Сессияга тайёргарлик кўраётиб, машғулот режасидан ташқари яна Интернетдан олинган биологик хилма-хиллик ҳақидаги қизиқарли маълумотлардан фойдаланинг.

**Диққат!** Сессиянинг бошида «БИЛАМАН, БИЛМОҚЧИМАН, ЎРГАНДИМ» машқини ўтишни унутманг.

**Сессиянинг бориши:**

1. Клуб аъзоларига БМТ Бош Ассамблеяси 2006 йилнинг 20 декабрида 2010 йилни Ҳалқаро биохилма-хиллик йили деб эълон қилинганлигини айтинг. Бу йилнинг мақсади этиб биохилма-хиллик бойликларини, унинг муҳофазаси ва ресурсларидан оқилона фойдаланишни кенг оммага етказиш мўлжалланган. Ҳалқаро биохилма-хиллик йили — Ер куррасида ҳаётни сақланиб туришида биохилма-хиллик ролини аҳолига етказишда ноёб имкониятдир. Биохилма-хиллик – барчамиз учун зарур ҳисобланган ҳаётдир.
2. Клуб аъзоларига «Акула ва пингвинлар» номли ўйинда иштирок этишни таклиф этинг. Ўйинчилар сони 8-10 киши. Клуб сардори акула ролида, қолган барча талабалар пингвин ролида иштирок этадилар. Ўйин учун 4та тенг бўлакка бўлинган ватман қоғози ҳам керак бўлади. Ватманни бўлаклари денгиздаги муз парчалари бўлиб, пингвинлар душманидан қочиши учун хизмат қилади. Сардор «Пингвинлар сузмоқдалар» деганида, пингвинлар ватман атрофида айланишни бошлайдилар. Сўнгра клуб сардори акулани тасвирлаб «Акула!» дейди. Шу пайт пингвинлар муз устига - ватман қоғозига чиқиб олишлари керак. Улгуролмаган иштирокчи ўйинни тарк этади. Кейин сардор иқлим исиб музлар эримоқда деб, ватманни битта вароғини олиб ташлайди. Ўйин яна давом этади, сардор ҳар босқичда биттадан ватманни олиб қўяди. Охир оқибат

қолган иштирокчилар битта ватман устига сиғишлари керак. Ўйин вақти 10-15 минут.

3. Презентацияга қайтамиз. Учинчи слайдни очинг. Талабаларга биологик хилма-хиллик нима деб савол беринг. Улар фикрларини эшитинг ва сўнгра тўғри жавобни кўрсатинг. «Биологик хилма-хиллик – бу экотизим ва экологик комплекслар хилма-хиллиги бўлиб, тирик организмлар шу занжир халқаларидан биридир. Биохилма-хиллик – тирикликни турли кўринишидаги хилма-хиллигидир».
4. Барчага биохилма-хилликни даражасига қараб 3 турга бўлиш мумкинлигини: ирсий хилма-хиллик; экотизимлардаги турлар хилма-хиллиги, ва шу экотизимлар, ҳамда ландшафтлар хилма-хиллиги ҳақида гапириб ўтинг.
5. Кейинги 3та слайдда уларни ҳар бир даражасини алоҳида гапириб беринг.



6. Кейинги слайдни очинг ва талабалардан биохилма-хилликни сақлаш нима учун зарурлигини сўранг. Ҳамма жавобларни ватман қоғозига ёзинг. Биохилма-хилликни планетамиз барқарорлиги, иқлим, озиқ-овқат, аҳоли

соғлиғи учун қандай аҳамиятга эга эканлигини айтинг. Гапираётганингизда интернетдан олган, биохилма хиллик ҳақидаги қизиқарли маълумотлар ва фактлардан фойдаланишингиз мумкин.

7. Кейинги слайд ёрдамида биохилма-хилликнинг алоҳида хусусиятлари, фанга маълум бўлган ўсимлик ва ҳайвон турлари ҳақида сўзлаб беринг.
8. Кейин йўқолиб бораётган биохилма-хиллик ҳақида гапириб Тошкент вилояти Оқсоқота воҳасидаги Ёнғоқсой ўрмонлари дарахтларининг кесилган суратлари туширилган слайдларни кўрсатинг.
9. 1995 й. Ўзбекистон биологик хилма-хиллик ресурсларини муҳофаза қилиш мақсадида Халқаро биологик хилма-хиллик Конвенцияга қўшилганлигини айтиб ўтинг. Биохилма-хилликни сақлашда иштирок этиш учун Конвенцияда кўрсатилган унинг йўқолишининг асосий сабаблари ҳақида ҳам гапириб беринг. Кейинги слайдлар ёрдамида уларни ҳар бирида тўхталиб ўтинг.

**Диққат!** Биологик хилма-хилликни йўқолиш сабабларини аниқ мисоллар билан тушунтириб беринг. Бунга мисол бўлиб сизнинг вилоятингиздаги қурилаётган катта бир корхона ёки завод, ўрмон кесилиши, ёки экосистемаларга зиёни тегаётган инсон фаолияти бўлиши мумкин. Биохилма-хилликни йўқолишида инсонни таъсири ҳақида сиз Интернетдан кўплаб маълумотлар топишингиз мумкин.

**Ёдда тутинг!** Инсонлар биохилма-хилликни бир қисми ҳисобланиб уни ҳимоя этишлари, ёки йўқ қилиб юборишлари мумкин. Бизнинг келажакимиз ҳозирги кундаги танловимизга боғлиқ. Ҳозир ҳаракат қилиш вақти келди!

**2-хафта. Сессия 10.**

**Сессиянинг номи:** Ўзбекистон Республикаси биохилма-хиллиги ва унинг дунё биохилма-хиллигини сақлашдаги ўрни

**Давомийлиги:** 1 соат 30 дақиқа.

**Машғулотга нималар керак:**

Сессияга тайёргарлик кўраётиб, машғулот режасидан ташқари яна интернетдан олинган биологик хилма-хиллик ҳақидаги қизиқарли маълумотлардан фойдаланинг.

Сессиядан олдин сардор презентация билан танишиб чиқиши ва презентацияда гапириб ўтиладиган миллий боғ, қўриқхоналар ва қушларни номларини ёдлаб олишлари зарур – бу сессияни ўтказишда керак бўлади.

**Диққат!** Сессиянинг бошида «**БИЛАМАН, БИЛМОҚЧИМАН, ЎРГАНДИМ**» машқини ўтишни унутманг. «**БИЛАМАН, БИЛМОҚЧИМАН**» графаларини талабалар сессиядан олдин, «**ЎРГАНДИМ**» графасини эса сессиядан сўнг тўлдирилади.

**Сессиянинг бориши:**

1. Клубнинг ҳамма аъзоларига БМТнинг бош ассамблеяси 2011-2020 ўн йилликни биохилма-хиллик ўн йиллиги деб эълон қилганини айтинг. Бу ўн йилликнинг мақсади Япониянинг Нагоя шаҳрида иштирокчи давлатлар билан ўтказилган БМТ Конвенциясининг ўнинчи конференциясида 2011-2020 йиллари биохилма-хилликни сақлашга қаратилган стратегик режаларни қўллаб қувватлашдир. Нагоя шаҳридаги биологик хилма-хилликни сақлашнинг стратегик плани музокараси йиғилиши 2010 йилнинг октябр ойида бўлиб ўтди. Шунда давлатлар қўриқхона ва миллий боғ ҳудудларини қуруқликда 17% гача, денгиз қўриқхоналарини эса 10% гача кенгайтиришга келишиб олдилар.

**Буни билиш керак!** 1995 йилда Ўзбекистон Халқаро биологик хилма-хиллик конвенциясига қўшилди (Рио-де-Жанейро).

2. Биологик хилма-хиллик Конвенцияси – бу БМТ нинг 1993 йилнинг 5 июнида Рио-де-Жанейро шаҳридаги Конференциясида қабул қилинган халқаро битим. Бу конвенцияга 168та давлат имзо қўйганлар.
3. Ёввойи табиат гўшаларини сақлаб қолган мамлакатлар ичига Ўрта Осиё давлатлари ҳам киради. Шу сабабдан кўпгина халқаро ташкилотлар ўз кучларини давлатларимиз биохилма-хиллигини сақлаш ва тиклашга қаратмоқдалар.
4. Кейинги слайдларда Ўзбекистон ҳудудининг тарихи ва унинг ҳозирги физик-географик тузилиши ҳақида гапириб ўтинг.

***Ёдда тутинг! Қушларни ўрганиш ва муҳофазаси билан шуғулланганда биз ўлкамизнинг флора ва фаунаси ҳақида ҳам яхши тасаввурга эга бўлишимиз керак, чунки, биохилма-хилликни ҳамма компонентлари ўзаро чамбарчас боғлиқдир.***

5. Клуб аъзоларига республикамизнинг флораси, умуртқасизлар ва умуртқалилар фаунаси турлар хилма-хиллиги ҳақида гапириб беринг.
6. “Ўзбекистон авиафаунаси” слайдига ўтинг ва биологик хилма-хилликни ажралмас ва асосий компонентларидан бири бу қушлар эканлигини айтинг. Улар атроф муҳит ҳолатини индикаторлари ҳисобланадилар. Қушларни ўрганиб ва ҳимоялаб, биз бутун биологик хилма-хилликни сақлашга ёрдам берамиз.
7. Қушлар расмлари туширилган кейинги слайдни очинг. Талабалар қушларни номларини топсинлар. Талабалар бир-бирларига ёрдам беришлари мумкин, аммо, қўл кўтариб гапириш қоидасини эсдан чиқармасинлар.
8. Ўзбекистон табиатида 4 та ландшафт учрашини айтинг. Буларга: чўл, тоғ, тоғолди ёки адир ва сув-ботқоқ ҳудудларидир. Бу ландшафтларнинг ҳар бирида шу муҳитда яшашга мослашган ҳайвон турлари, шу жумладан қуш турлари ҳам бор.
9. Кейинги слайдларда сув ва суволди, чўл ва тоғ ландшафтларида яшовчи жониворлар ҳақида гапириб беринг.

10. Мамлакатимизнинг муҳофазага олинган ҳудудлар тизими ва қўриқхона, ҳамда, миллий боғларни Ўзбекистон харитасидан топиб кўрсатинг. Клуб аъзоларидан қайси қўриқхона қаерда жойлашганлигини эслаб қолишларини сўранг. Сўнгра мишни боссангиз қўриқхона номини ўрнида савол белгиси пайдо бўлади. Энди талабалар ушбу қўриқхонани номини айтишлари керак бўлади. Тўғри жавобни эшитгач мишни яна босасиз, шунда савол белгиси бошқа қўриқхона номи ўрнида пайдо бўлади. Бу машқни талабалар ҳамма қўриқхона ва миллий боғларни жойлашган ўрни ва номини эслаб қолмагунларича давом этинг.
11. Кейинги слайдларда биохилма-хилликка таҳдид солаётган ҳавф-хатар ва биз уни сақлашга қандай ёрдам беришимиз мумкинлигини айтинг.
12. Танаффусдан сўнг амалий машқ сифатида “Қушни аниқла” ўйинини ўтказинг. Бу жуда оддий ўйин: сиз фотосуратли слайдни очасиз, масалан, қирғовул, ва талабалардан бу қандай қуш эканлигини сўрайсиз. Талабалар унинг тўғри номини айтишлари керак. Кейин мишни яна босасиз ва экранда «*Phasianus colchicus* - Фазан – Қирғовул», яъни, қушни лотин, рус ва ўзбек тилидаги номи чиқади. Ёдда тутинг, бу ўйинни ўйнашдан олдин сиз фотосуратлари келтирилган ҳамма қушларни таниб олишингиз керак.
13. Сессия охирида ватмандаги «БИЛАМАН, БИЛМОҚЧИМАН, ЎРГАНДИМ» жадвалини «ЎРГАНДИМ» графасини тўлдиришни унутманг.

**3-хафта. Сессия 11.**

Сессиянинг номи: Миллий ва ҳалқаро табиат муҳофазаси ННТ лари

**Давомийлиги:** 1 соат 30 дақиқа.

**Машғулотга нималар керак:**

Машғулот ўтказиш учун компьютер, проектор, ватманлар, маркерлар, скотч, лазер кўрсаткич.

**Диққат!** Сессиянинг бошида «БИЛАМАН, БИЛМОҚЧИМАН, ЎРГАНДИМ» машқини ўтишни унутманг. «БИЛАМАН» ва «ЎРГАНМОҚЧИМАН» графалари сессиянинг бошида, «ЎРГАНДИМ» графаси эса сессиядан сўнг тўлдирилади.

**Сессиянинг бориши:**

1. Сессиянинг бошида талабалардан қандай ташкилотларни биласиз деб савол беринг. Ҳамма жавобларни эшитиб бўлгач тўғри жавобни кўрсатинг. Сўнгра кейинги слайдни очинг ва иштирокчилардан нодавлат нотижорат ташкилотларнинг бошқа ҳил ташкилотлардан фарқини сўранг. Ҳамма жавобларни эшитиб ва ватманга ёзиб олиб яна мишни босинг – экранда тўғри жавоб пайдо бўлади.

**Ёдда тутинг!** ННТ – бу ўз-ўзини бошқарувчи ташкилот бўлиб, физик ёки юридик шахслар томонидан ихтиёрий равишда яратилиб, фойдали-жамоат ишлари билан ишлашни мақсад қилиб олган кўнгиллилар жамоасидир. ННТ нинг бошқа давлат ташкилотларидан фарқи, бошқарувни ташкилот аъзолари ва ишчи ходимлари ўрнатади.

2. Кейин ННТ нинг асосий белгилари, уларни бошқарувчи асосий қонунлари ва мамлакатимиздаги экологик ННТ лари фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида гапириб ўтинг.

**Бошқа тижорат ташкилотларидан фарқи, бу ташкилотнинг мақсади тадбиркорлик ва даромад орттириш эмас. Лекин, ННТ вақти-вақти билан тижорат фаолиятини юритишга ва тушган даромадни жамиятини ривожлантириш мақсадида ишлатиш ҳуқуқига эгадир.**

3. Кейинги слайдда Ўзбекистонда биринчи экологик ННТ ларнинг очилиш тарихи ҳақида қисқача гапириб беринг. Кўп давлатлар, шу қаторда бизнинг давлатимизда ҳам XX аср салбий оқибатларига инсоннинг атроф муҳитга нисбатан зарари эканлигини айтинг. Ўзбекистонда биринчи жамоат экологик ташкилотлари 1989 й. Оролбўйи ҳудуди ва региондаги катта дарё ҳавзаларини инқирозга учраганлиги ва оқибатда экологик муаммоларни юзага келтирганлиги туфайли вужудга келди.



4. Орол денгизи фожиаси даражасини тушуниб етганлиги натижасида мамлакатимизнинг Сирдарё, Амударё ва Зарафшон каби йирик дарёлар оқиб ўтадиган вилоятларда биринчи бўлиб табиат муҳофазаси ННТ лари пайдо бўла бошлади.

5. Мустақил Ўзбекистонимизда биринчилар қаторида фаолият юрита бошлаган ва ҳозиргача ўз мавқеини йўқотмаган экологик ННТ лардан Қорақалпоғистондаги “Орол ва Амударёни сақлаб қолиш” бирлашмаси, Фарғонада “Экологик тоза Фарғона учун”, Самарқанд вилоятида “Зарафшон” ва Тошкент вилоятида «Logos», «Науот» ва «Армон» ассоциацияларидир.
6. Ҳозирги кунда мамлакатимизда ННТ ларни 15 га яқини актив иш юритмоқдалар. Улар ҳақида презентацияда кўрсатилганидек қисқача гапириб беринг.

***Диққат! Презентациянгиз қизиқарли ўтиши учун сессияни бошлашдан олдин презентацияда кўрсатилан ННТ ларни сайтларига кириб кўринг ва бу ташкилотларни иш фаолияти билан танишиб чиқинг.***

7. Сўнгра ҳалқаро табиат муҳофазаси ташкилотлари ҳақида гапириб беринг. Талабаларга бундай ташкилотларнинг кўплиги ва шунинг учун, биз уларни ичида фақат кушларни муҳофазаси билан шуғулланадиган ва UzSPB га ҳамкор ташкилотларни кўриб чиқишимизни айтинг.
8. Сессия охирида ватмандаги «БИЛАМАН, БИЛМОҚЧИМАН, ЎРГАНДИМ» жадвалини «ЎРГАНДИМ» графасини тўлдиришни унутманг.

**4-хафта. Сессия 12.**

**Сессияниг номи:** Ўзбекистон Республикаси табиат муҳофазаси қонунлари ва ҳалқаро конвенциялар

**Давомийлиги:** 1 соат 30 дақиқа.

**Машғулотга нималар керак:**

Табиат муҳофазаси қонунлари – бу етарли даражада мураккаб ва ўзига ҳос мавзудир. Шунинг учун табиат муҳофазаси қонунларини гапиришдан олдин Давлат бионазорати сайтидаги презентациялар билан танишиб чиқиш лозим. <http://uznature.uz/rus/naturelaw.html>.

**Диққат!** Сессиянинг бошида «БИЛАМАН, БИЛМОҚЧИМАН, ЎРГАНДИМ» машқини ўтишни унутманг. «БИЛАМАН» ва «ЎРГАНМОҚЧИМАН» графалари сессиянинг бошида, «ЎРГАНДИМ» графаси эса сессиядан сўнг тўлдирилади.

**Сессиянинг бориши:**

1. Сессиянинг бошида талабалардан табиат муҳофазасига таълуқли бўлган қонун ва конвенцияларни билиш нима учун кераклигини сўранг. Ҳамма жавобларни ватманга ёзиб мишни яна бир босинг – шунда экранда тўғри жавоб пайдо бўлади.

**Ёдда тутинг!** Ҳамма қонунларни билишнинг иложи йўқ, лекин, ўз ишлаётган соҳангизда юридик жиҳатдан саводли бўлиш керак.

2. Сессия иштирокчиларидан мамлакатимизнинг табиат муҳофазасига оид қандай қонунлар борлигини сўранг. Иштирокчилардан бирига ҳамма жавобларни ватманга ёки доскага ёзишни илтимос қилинг. Шунинг таъкидлаб ўтингки, мустақиллигимиз йиллари ҳукуматимизда табиат муҳофазасига таълуқли бўлган 90дан ортиқ қонунлар қабул қилинган. Бу қонунлардан ташқари Олий Мажлис, ҳукумат ҳайати ва Президентнинг турли дастур ва қарорлари қабул қилинди. Мамлакатимизда табиат

муҳофазаси ишларида муҳим ҳужжатлардан бири бу ўнлаб стратегиялар, концепциялар, лойиҳалар ва режалардир (CD/МОДУЛЬ-3/Неделя4/«Адабиётлар\_табиат муҳофазаси қонунчилиги»).

**Биологларни табиат муҳофазаси қонунларини билиши уларни янада профессионал ишлашини, турларни муҳофаза қилиш режаларини ишлаб чиқишларини, ҳалқаро табиат муҳофазаси битимларига мос равишда долзарб лойиҳаларни тайёрлашларини имконини яратади.**

3. Шундан сўнг уларга Мамлакатимизнинг асосий қонуни бу 1992 йилда қабул қилинган Конституция эканлигини айтинг. ЎзРес Конституциясининг 55 моддасида айтилган, Ер ва унинг ер ости бойликлари, сув, ҳайвонот ва ўсимлик олами, ҳамда, бошқа табиий ресурслар умумҳалқ бойлиги ҳисобланиб, улардан оқилона фойдаланиш лозим ва давлат томонидан муҳофаза этилади.
4. Презентацияда кўрсатилганидек табиат муҳофазасига оид асосий қонунлар ҳақида тўхталиб ўтинг.
5. Сўнгра, экологик ва табиат муҳофазаси конвенциялари ҳақида гапириб беринг. Конвенция – бу бир нечта давлатлар имзо қўйган ва келажакда бошқа давлатлар ҳам қўшилиши мумкин бўлган битим эканлигини айтинг.
6. Ҳаммаси бўлиб дунёда 40 га яқин табиат муҳофазаси конвенциялари мавжуд бўлиб, шулардан Ўзбекистонда 15 га яқини қабул қилинган ва тасдиқланган. Сўнгра “Экологик конвенциялар” рўйхати туширилган слайдни очинг. Рўйхатдаги қизил ранг билан белгиланганлари Ўзбекистон томонидан қабул қилинган, имзо қўйилган, ёки тасдиқланган конвенциялардир. Жадвалнинг ўнг томонида давлатимизнинг бу конвенцияга аъзо бўлган йили кўрсатилган.
7. Презентацияда кўрсатилганидек ҳар бир конвенция ҳақида гапириб ўтинг.
8. Сессия охирида «БИЛАМАН, БИЛМОҚЧИМАН, ЎРГАНДИМ» жадвалини «ЎРГАНДИМ» устунини тўлдиришни унутманг.

**1-хафта. Сессия 13.**

**Сессияниг номи:** ОАВ билан алоқа: Журналистлар билан қандай ишлаш керак

**Давомийлиги:** 1 соат 30 дақиқа.

**Машғулотга нималар керак:**

Машғулот ўтказиш учун компьютер, проектор, ватманлар, маркерлар, скотч, лазер кўрсаткич, А4 ўлчамли қоғоз, гугурт қутиси, стакан суви билан керак бўлади.

**Сессиянинг бориши:**

1. Янги сессияни бошлашда “Ақлий хужум” усулидан фойдаланинг, у биргаликда қандайдир бир нарсани ифодалашда аниқлик киритишга ва саволга жавоб топишда ёрдам беради. Сессия иштирокчиларидан оммавий ахборот воситалари, ёки ОАВ нима деб савол беринг. Талабалардан бирига ҳамма жавобларни ватманга, ёки доскага ёзишни илтимос қилинг.

**Ёдда тутинг!** *Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) – бу ҳар кундаги янгиликлар ва таҳлилий ахборот манбаи бўлиб, рекламани асосий ташувчиси ҳисобланади. ОАВ га газеталар, журналлар, радио, телевидение ва Интернет киради.*

2. Сўнгра кичкинагина “Замонавий журналист портрети” номли ўйинни ўйнаб кўринглар. Ҳар бир иштирокчи 10 дақиқа мобайнида 1 варақда журналистни ўзи тасаввур қилганидай чизади, кейин чиқиб чизган расимини бошқа иштирокчиларга гапириб беради. Ўз чизган расимини кўрсата туриб, замонавий журналистнинг қандай сифатлари, вазифаси ва маъсулияти борлигини ўз тасаввурича гапириб бериши керак. Ҳамма расимларни машғулот охиригача клуб деворига ёки доскага илиб қўйиш керак.
3. Ҳар бир ташкилот – табиат муҳофазаси ННТ бўладими, катта фирма, ёки талабалар клубими яхши имиджга

(обрўга) эга бўлишни ва бошқа ташкилотлар билан яхши алоқада бўлишни истайди. Бунга эришиш учун авваламбор ташкилот ўз мажбуриятларини маъсулият ва тиришқоқлик билан бажариши лозим. Лекин, рақобатли шароитда жамоат ташкилотларида ҳам буни ўзи камлик қилади. Ташкилот ҳақида ижобий маълумот, ҳамда унинг ютуқларини гапириб кенг оммага тарқатувчи ОАВ билан ҳамкорликни эсдан чиқармаслик керак.

***Диққат! Клуб сардорлари ва аъзолари ўз бёдвочер клублари обрўсини кўтаришни билишлари керак. Бунга оммавий ахборот воситалари, яъни журнал, газета, теле ва радиоканаллар журналистлари билан ҳамкорликда бажариш керак.***

4. Кейинги слайдни кўрсатинг ва Ўзбекистоннинг ОАВ лари ҳақида гапириб беринг. Талабалардан қандай газета ва журналларни ўқишларини, қайси телеканалларни кўришларини сўранг. Балки, иштирокчилардан баъзилари илмий ёки оммабоп мақолалар ёзгандирлар, ё бўлмаса, журналистларга интервью бергандирлар. Шу талабадан ўзининг шахсий тажрибаси ҳақида қисқача гапириб беришни сўранг.
5. Журналистлар билан ўзаро унумли ишлаш ва яхши интервью бериш учун бир нечта оддий иш юзасидаги муносабат ёки алоқа қоидаларини билиб олиш керак бўлади. Интервью бераётганда сиз, суҳбатдош каби саволларига самимият билан жавоб беришингиз, журналист билан у тушунадиган тилда ва махсус илмий терминлар ишлатмасдан сўзлашингиз керак. Журналист томонидан бериладиган саволларни диққат ва ҳурмат билан эшитишингиз керак. Журналист билан алоқани ўрнатмоқчи бўлганингизда у билан очиқ ва тенг ҳуқуқда муомала қилинг, балки у билан сизнинг умумий қизиқишингиз бордир. Агар интервью дўстона шароитда кечса, журналист клубингиз иши хусусиятларини чуқурроқ тушунади ва натижада газетадаги мақолангиз қизиқарли ва маълумотларга бой бўлиб чиқади.
6. “Интервьюни ҳозирроқ берамиз” слайдини очинг ва “Гугурт ёниб тургунча” ўйинини ўйнанг. Бу ўйинни ўйнаш учун

гугурт ва сувли стакан керак бўлади. Ҳайинни маъноси шундан иборатки, ҳар бир иштирокчи навбат билан гугуртни ёқади ва у ўчгунча сардор белгилаб берган саволларга жавоб беради. Савол турлича бўлиши мумкин, масалан: таълим дастурининг олдинги машғулотида сиз нималарни ўрганганлигинингизни гапириб беринг. Бу машқда гугурт ёниб турган вақтда ким кўп гапириб берса шу ютган ҳисобланади. Ҳайин вақтида гугуртни ўчириш учун столда сув тўлдирилган стакан бўлиши керак. Ҳайинни асосий маъноси шундан иборатки, клуб аъзоси ҳар доим интервью беришга тайёр бўлиши ва қисқа вақт ичида оғзаки катта хажмдаги маълумотлар беришни ўрганиши лозим. Энг асосийси ўзини йўқотиб қўймаслиги керак.

***Диққат! Олдинги тренинг тажрибаси шуни кўрсатдики, “Гугурт ёниб тургунча” ўйини ихтиёрий бўлиши керак. Ҳайинни хошиш кўрсатган талабадан бошлаш керак.***

7. Журналистлар билан ишлашни асосий қоидаларига бағишланган презентациянинг муҳим бўлимига ўтинг. Интервью бераётганингизда НИМА ҳақида гапириш кераклиги ва НИМАНИ гапириш керак эмаслигини батафсил тушунтириб беринг.
8. Кейин, клуб сардори ва аъзолари журналистлар билан унумли ишлашлари учун нималарни билишлари кераклигини гапириб беринг.

***Ёдда тутинг! Агар журналистларга қандайдир бир воқеа, ҳодиса ёки тадбир ҳақида гапираётган бўлсангиз, ушбу тадбирни ким уюштирганлигини кўрсатиб ўтинг. Масалан қишки саноқ кунини ҳақида гапираётган бўлсангиз, саноқни Ўзбекистон қушларни муҳофаза қилиш жамияти уюштирганлигини гапириб ўтиш керак. Жамият клубнинг ҳамма интервьюлари ва мақолаларида эсланиб ўтилиши керак, чунки, унинг ёрдамисиз клублар бу даражада фаолият кўрсата олмас эдилар.***

**Журналистлар билан ишлаш учун клуб сардори ва аъзоларига нималар керак:**

- ✓ **Сизнинг клубингиз мақсади ва вазифалари, фаолиятнинг асосий йўналишини билиши, Интернет сайти орқали содир бўлаётган воқеа ва ҳодисалардан хабардор бўлиши керак;**
- ✓ **Ўз клубининг тарихи, охириги вақтлардаги ўтказилган акция ва тадбирлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши;**
- ✓ **Журналистларга интервью беришдан қўрқмаслиги;**
- ✓ **Ҳар бир ишда сардор бўлиши – шу жумладан журналистлар билан ишлашда ҳам. Агар сиз журналистлар билан очиқ мулоқотда бўлсангиз, қолган клуб аъзолари ҳам сиздан ўрнак оладилар;**
- ✓ **ОАВ билан алоқани биринчи бўлиб бошланг. Журналистларни топиб ва клубингизга қизиқтиришингиз клуб ишини ривожлантириш учун муҳимдир.**

9. Журналистлар билан муваффақиятли ишлаш учун ОАВнинг турли журналистлари турлича ишлашини гапириб ўтинг.
10. Газета журналистлари. Газеталар воқеаларни чуқур ёритилишини таъминлайди ва раҳбар лавозимдагиларга таъсир этишда яхши натижа беради. Газета журналистларига бўлим ва рубрикалар бириктириб қўйилади. Бизнинг кўпгина газеталаримизда таълимга бағишланган бўлим ва рубрикалар бўлиб, у ерда атроф муҳит ҳақида мақолалар ёзилади. Шу бўлимда ишлайдиган ва шу рубрикаларни юритувчи журналистларни талабалар клублари ҳақидаги маълумотлар қизиқтириши мумкин. Газета журналистларини ҳаминиша фактлар қизиқтиради. Шунинг учун газета журналистлари билан ишлаганда маълумотларингизни сонлар, фактлар, турли маълумотлар, мисоллар, иллюстрациялар ва мутахассислар фикрлари билан тўлдириш керак.
11. Журналлар журналистлари. Журналлар кўпинча тор ихтисослашган бўлади. Журналларда асосан таҳлилий маълумотлар чоп этилиб, мавзуни чуқур ёритади. Аниқ мавзуларда мақолалар тайёрлаганда журналлар жуда керак бўлади.



12. Радио ва телевидение журналистлари. Радио ва телевидение турли туман дастурларни трансляция этади: эшиттириш, кўрсатувлар, ахборот эшиттиришлари, оммабоп эшиттиришлар, фильмлар, интервью ва бошқалар. Радио ва телевидение корреспондентлари ўз материаларини тайёрлашда маълумотларни асосан газета ва маълумотлар ваколатхонаси (агентлиги)дан оладилар. Кўпинча телерепортерлар муаммони нашр этувчи ҳамкасбларидагидай кенг ёрита олмайдилар. Телевидениенинг ютуғи маълумотни кўриш орқали қабул қилишдир, шунинг учун уларни табиат билан боғлиқ бўлган маълумотлар жуда қизиқтиради.
13. Интернет журналистлари. Интернет янгиликлари – бу энг янги маълумотлар муҳитидир. Глобал тармоқда янгилик бир зумда тарқалади ва ер юзининг турли нуқталаридаги миллионлаб инсонларга бу маълумотларни ўқишга имкон яратади. Мисол учун сиз Ўзбекистоннинг интернет агентлиги журналистига маълумот берсангиз, эртасига бу маълумот бир нечта газетада чиқиши ва радиоэфир орқали узатилиши мумкинлигига ишонч ҳосил қилишингиз мумкин.

**Ёдда тутинг! Журналистларда ҳар доим маълумот олишнинг қўшимча манбаси бор. Жамоат ташкилотларида эса оммавий ахборот воситаларига ўзи ҳақида гапириб беришнинг қўшимча имконияти йўқ. Шунинг учун клуб сардорлари ва раҳбарлари оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда ишлашга ҳаракат қилишлари керак.**

14. Танаффусдан сўнг “Учпоғонали интервью” номли амалий машғулоти ўтказинг. Сессия иштирокчиларини гуруҳларга бўлинг. Ҳар бир гуруҳ 3 кишидан иборат бўлсин: гуруҳ аъзоларидан бири интервью олаётган журналист ролида, иккинчиси журналист саволларига жавоб бераётган ролида, учинчиси ҳамма савол ва жавобларни ёзиб боради. Ҳар бир гуруҳ слайдда берилган мавзулардан бирини танлайди. Ўз мавзуингизни ўйлаб топишингиз ҳам мумкин. Интервью ўтказишга ҳар бир гуруҳга 5 дақиқа вақт беринг. Сўнгра гуруҳлар навбат билан варақда ёзилган интервью натижаларини ҳаммага гапириб берадилар ва клуб деворига осиб қўядилар.
15. Машғулоти охирида “Микрофон” ўйини орқали сессияга баҳо бериб кўринг. Ўйинни моҳияти шундан иборатки, ҳар бир иштирокчи 1-2 дақиқа мобайнида сессиядан нималарни билиб олганлиги ва кўпроқ нима эсида қолганлигини гапириб бериши керак. Микрофон сифатида сиз ҳохлаган нарсдан, масалан маркердан фойдаланишингиз мумкин.

**2-хафта. Сессия 14.**

Сессиянинг номи: ОАВ билан алоқа: пресс-релиз қандай ёзилади

**Давомийлиги:** 1 соат 30 дақиқа.

**Машғулотга нималар керак:**

Сессиядан олдин «*CD/МОДУЛЬ 4/2-Ҳафта/Пресс-релизлар амалиёти\_таҳлили*» файлини қоғозга чиқариб олинг. Бу файлда 9 та пресс-релиз бор. Уни 3 бўлакка бўлинг. Биринчи қисмда тўғри тузилган пресс-релизлар, иккинчисида унча тўғри бўлмаган, учинчисида нотўғри тузилганлари бўлсин. Бу материаллар амалий машғулотлар ўтказиш учун керак бўлади.

**Сессиянинг бориши:**

1. Бошланишида шуни айтиш керакки, журналистлар билан ишлашдаги муҳим маҳорат бу пресс-релиз ёзишдир. Сўнгра клуб аъзоларига пресс-релиз нима деб савол беринг. Ҳамма жавобларни эшитиб уларни доска ёки ватманга ёзинг.

**Ёдда тутинг!** *Пресс-релиз бу матбуот учун тайёрланган маълумот бўлиб, ОАВ эътиборини қаратмоқчи бўлган ҳодисалар тафсилотидан иборат бўлган фактлар тўпламидир. Пресс-релиз стандарт шаклда ёзилади. Асосий талаб – янги хабар. Одатда пресс-релизда тадбирга чақирилган журналистлар учун тайёрланган қандайдир бир воқеа ҳақидаги маълумот бўлади.*

2. Журналистлар бир вақтни ичида бир неча муҳим воқеа ёки муаммони ёритишларига тўғри келади. Шу сабабдан иш графикларининг зичлигидан улар тадбирни бошидан охиригача ҳар доим ҳам иштирок эта олмайдилар. Баъзида сиз уюштираётган акция ёки учрашувга уларни вақтлари йўқлигидан қатнашиш имконияти бўлмайди. Ундан ташқари, журналистлар баъзи масалаларда етарлича

маълумотга эга бўлмасликлари мумкин. Шунинг учун, муҳим учрашув ёки акция ўтказишга тайёрланаётиб, эфирда эшитиш ёки матбуотда кўриш учун пресс-релиз ёки маълумот тайёрлашга тўғри келади. Пресс-релиз туфайли журналистлар воқеани муҳимлигини аниқлайдилар ва унда иштирок этиш шарт ёки шарт эмаслигини ҳал қиладилар. Шунинг учун пресс-релизни безалиши ва у қандай тузилишига қараб журналистларда клубингиз ҳақида биринчи таъсурот пайдо бўлади.

3. Пресс-релизни тўғри ёзиш учун у қандай қисмлардан таркиб топганлигини билиш муҳимдир.

**Эътибор қилинг!** *Пресс-релиз ёзиш маҳоратини фақат журналистика факультетида ўргатадилар. Лекин, кўпинча пресс-релизни журналистлар эмас, балки, журналистларни чақираётган конференция ташкилотчилари ёзишларига тўғри келади. Шунинг учун ҳозирги кунда саводли тўлдирилган пресс-релизни камдан-кам ҳолда кўриш мумкин. Экологик ташкилотлар, клуб аъзолари ва сардорлари тўғри тўлдирилган пресс-релиз қандай кўриниши ҳақида тасаввурга эга бўлишлари керак. Ёдингизда тутинг, атрофдагилар клубингиз фаолияти ҳақида пресс-релизни қандай ёзилганлигига қараб баҳо берадилар.*

4. Тескари пирамида кўринишидаги пресс-релиз тузилиши кўрсатилган слайдни кўрсатинг. Пирамиданинг ҳар бир қисми – пресс-релизнинг бир абзацидир.
5. Биринчи абзацда олти муҳим саволларга жавоб бериш керак – ким, нима, қачон, қаерда, нимага ва қандай. Қандай тадбир ўтказмоқчисиз? Ким уни уюштирмақда? Қачон ўтказилади? Қаерда ўтказилади? Нима учун уни ўтказиш муҳим? У қандай аҳамиятга эга бўлади?

**Ёдда тутинг!** *Пирамида пресс-релизда бераётган маълумотлар аҳамиятини рамзий ишорасидир. Газетада сиз берган пресс-релиздаги маълумотдан мақола учун қанча жой ажратишини билмаймиз. Журналистлар сиз берган пресс-релизни албатта қисқартирадилар. Улар қисқартиришни одатда охиридаги абзацдан бошлайдилар. Шунинг учун тадбирингиздаги энг муҳим хабар пресс-релизнинг бошида бўлиши керак, шунда у ўқувчига етиб бориши мумкин.*

6. Иккинчи абзацда асосан воқеани муҳимлигини асословчи маълумотлар келтирилади. Учинчи абзацда тадбир ташкилотчилари ҳақида маълумот берилади. Тўртинчи абзацда воқеани статистик маълумотлари, яъни, аниқ сонлар, рақамлар ва натижалар кўрсатилади. Бешинчи абзацда қандайдир таниқли инсон, директор, мутахассис ёки ташкилот раҳбари цитатаси келтирилади.
7. Пресс-релиз тузаётганда “Ўзбекистонда биринчи марта”, “Анъанавий учрашув”, “Энг яхши мутахассис” ва шу каби сўзларни ишлатишга уялмаслик керак.
8. Ёдда тутинг, пресс-релизда энг қимматли сўзлар – бу биринчи 10 та сўздир. Улар журналистларга кучли таъсир этади ва шунинг учун пресс-релизни бошлашда энг асосий сўзлардан бошлаш керак.

**Диққат!** *Сизнинг пресс-релизингиз жуда муҳим ва қимматли маълумотга эга бўлиши мумкин, лекин, ёмон расмийлаштирилган бўлиши мумкин. Бу шароитда журналистлар сизнинг пресс-релизингиздан сиз ҳоҳлагандай фойдаланишларига ишонч ҳосил қилиш қийин. Шунинг учун пресс-релизни расмийлаштириш қоидаларига амал қилиш муҳимдир.*

9. Пресс-релизни расмийлаштираётганингизда ташкилотни номи ва манзили кўрсатилган бланқдан фойдаланганингиз маъқулдир. Агарда сизда бланк бўлмаса, қоғозни юқори



қисмида ташкилотни номи ва эмблемасини кўрсатинг. Редактор белги ва эслатмалар ёзиши учун қоғозни четида кенг майдон (камида 2,5 см) қолдиринг. Times New Roman ёки Arial шрифтларидан фойдаланинг. Шрифт ўлчами – 12. Қоғознинг фақат бир томонида ёзилган бўлсин.

10. Пресс-релиз ёзишдан олдин қуйидаги саволга жавоб беринг: нимага маълумот муҳим ва янгилик унинг қаерида? Нима учун бу маълумотни ўқувчига етиб боришини хоҳлайсиз? Ўқувчилар сизнинг маълумотингиздан фойда олишлари муҳимдир. Маълумотингизнинг қаери муҳим ва қизиқарлидир? Қайси эътиборли инсон сўзларини цитата сифатида ишлатиш мумкин? Журналистларга қўшимча маълумот ёки гувоҳнома керак бўлмасмикан?
11. Пресс-релиз тузилиши кўрсатилган слайдни кўрсатинг. Пресс-релизнинг юқори қисмида тадбирни олиб бораётган ёки маблағ ажратаётган ташкилот номи ё логотипи жойлаштирилишини айтинг.
12. Шундан сўнг пресс-релизда чоп этиш керак бўлган сана ёзилади. У қуйидаги тарзда ёзилади: «...» да нашр

этилсин. «...» гача нашр этилсин. «...» санадан кейин нашр этилсин.

13. Сўнгра исм-фамилиянғиз ва ҳамма алоқа контактларинғизни кўрсатинг (телефон, манзил, e-mail).
14. Пресс-релиз ўртасида сарлавҳани жойлаштиринг. Уни бош ва йўғон ҳарфлар билан белгилаш керак. Журналист эътиборини тортадиган биринчи нарса бу сарлавҳадир. Шунинг учун сарлавҳани тузишда ифодали сўзларни ишлатинг
15. Сўнгра биз ўрганган тузилишдаги - тескари пирамида шаклидаги пресс-релиз матни кетади.
16. Текстни ёзиб бўлгандан сўнг, яна бир бор ўз исминғиз ва алоқа маълумотларинғизни кўрсатинг.
17. Кўпинча пресс-релиз 1 ёки 2 варақни ўз ичига олади. Агар варақлар сони бирдан кўп бўлса “ДАВОМИ БОР” деб ёзиб қўйишни унутмаслик керак. Пресс-релиз охирида эса пресс-релиз тугаганини журналист тушуниши учун «####» деб ёзиб қўйинг.
18. Пресс-релизни чиқариш ва журналистларга юборишдан аввал уни яна бир қайтадан ўқиб чиқинг ва тиниш белгилари, услубий ёки стилистик хатоликларни тўғриланг.
19. Танаффусдан сўнг “Пресс-релизлар таҳлили” номли амалий машғулотни ўтинг. Ҳар бир иштирокчига 3 тадан пресс-релиз берилади. Улар ҳаммасини ўқиб чиқадилар, ичида энг тўғри ёзилганини топадилар ва нимагалигини тушунтириб берадилар. Шундан сўнг ҳар бир иштирокчини ўзи пресс-релиз ёзади.

**3-хафта. Сессия 15.**

**Сессияниг номи:** Биохилма-хилликни сақлаш ғоясини тарғибот қилиш: акция ва кампаниялар

**Давомийлиги:** 1 соат 30 дақиқа.

**Машғулотга нималар керак:**

Машғулотдан олдин «CD/МОДУЛЬ-4/3-Ҳафта/Адабиёт\_Экологик календар» файлини қоғозга чиқариб олинг.

**Сессиянинг бориши:**

1. Сессия мавзусини эълон қилгандан сўнг клуб аъзоларидан “акция” ва “кампания” терминлари мазмуни нимани англатишини сўраб кўринг.

**Ёдда тутиг!** *Акция бу – аниқ мақсадларга қаратилган ва кўпчилик иштирокида олиб бориладиган маълум экологик саналарда бажариладиган ҳаракатлардир. Кампания эса яхши режалаштирилган бир қатор акциялар бўлиб, маълум бир вақт оралиғида масалан ҳафта, ой ёки йил мобайнид мунтазам равишда олиб борилади. Кампаниялар кўпинча кенг ҳудудларда ўтказилиши билан ҳам фарқланади, масалан, улар бир неча шаҳар, вилоят ёки мамлакатларда олиб борилиши мумкин.*

2. Ҳар йили дунё бўйича одамлар ўнлаб экологик байрамларни нишонлайдилар. Агар сиз экологик календарга кўз ташласангиз, унда аниқ экологик саналарга бағишланган 60 га яқин кунларни кўришингиз мумкин. Мисол учун бу январ ойида - Қўриқхоналар куни, апрел ойида Ҳалқаро Ер куни, март ойида Ҳалқаро ўрмонлар куни, июнда Ҳалқаро океанлар куни ва бошқалар. Шундай қилиб, йилнинг бир кунини маълум бир экологик муаммога бағишлаб фаол экологлар бутун дунёда кенг жамоани, ҳукумат аъзолари ва журналистларни ушбу муаммони ҳал қилишга эътиборларини қаратмоқчилар.

3. Сўнгра клуб аъзоларига Экологик календарни кўрсатинг ва презентацияда кўрсатилганидек экологик саналарга мисоллар келтиринг.
4. Кейин презентацияда Ўзбекистон қушларни муҳофаза қилиш жамиятининг учта слайди кўрсатилган. Мисол тариқасида шу слайдларни кўрсатинг.
5. Муваффақиятли кампаниялардан бири бу давлатимизда биохилма-хиллик ғоясини тарғибот қилувчи ҳар йили ўтказиладиган “Йилнинг Қуши” кампанияси эканлигини талабаларга гапириб ўтинг. Ўзбекистон қушларни муҳофаза қилиш жамияти аъзолари ҳар йили Йилнинг Қушини танлайдилар ва шундан сўнг, танланган қушга атаб кенг қамровли таълим кампаниясини бошлайдилар. Йилнинг Қуши сифатида мамлакатимиз ҳудудида кенг тарқалган, деярли яхши таниладиган, фойдали ва муҳофазага муҳтож турлардан танланади.

***Биласизми, Соғлар уруғига бағишланган “Йилнинг Қуши-2007” кампанияси Ўзбекистонда талабалар клублари тармоғини ривожлантиришга асос бўлган. 2007 йилнинг баҳорида Самарқанд Давлат университетида Ўзбекистоннинг турли Олий ўқув юртлари ўқитувчилари тўпландилар. Ўқитувчиларга “Йилнинг Қуши” кампаниясида иштирок этишни ва мустақил равишда ўз университетларида Қушлар Кунини нишонлашни таклиф этилди. 2007 йилнинг июль ойига келиб Самарқанд Давлат университетида «Flamingo» клуби, Бухоро Давлат университетида «Иволга» клуби ва Қорақалпоқ Давлат университетида «Otus» клуби ўз фаолиятини бошлади. Ҳозирда клубларни келажаги сизларни янги фикр ва ғояларингизга боғлиқ.***

6. “Йилнинг Қуши” кампаниясини ўтказишда рангли оммабоп буклет, товушлар билан тўлдирилган презентация ва конкурслар режаси асос бўлиб хизмат қилади. Бор материал шундай ҳисоб билан тайёрланадими, Олий ўқув юрти ўқитувчиси уни клуб сардорига етказа олиши, у бу материални клуби аъзоларига ўргатиши, улар эса ўз

- навбатида “Йилнинг Қуши”ни мактабларда ва экологик тўғаракларда гапириб беришлари керак.
7. Кампания доирасида ҳар йили Йилнинг қуши тасвири туширилган энг яхши расм ёки турли нарсалардан ясалган қуш кўриниши конкурси ўтказилади. Конкурсда талабалар ва турли ёшлар экологик клуб мактаблари ўқувчилари иштирок этадилар. Ҳар йили конкурсга 70 га яқин ишлар келади. Булар Тошкент шаҳри ўқувчилари, Ўзбекистон қушларни муҳофаза қилиш жамияти талабалар клублари аъзолари, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ва махсус рассомлик мактаблари ўқувчиларидир. Шундай қилиб, “Йилнинг Қуши” кампанияси атроф муҳит ва қушларга урғу берган ҳолда ёшлар ижодини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшади.
  8. Ундан ташқари Қушларни муҳофаза қилиш жамияти Ҳалқаро Қушлар Куни 1-апрелни ўтказишда ҳам иштирок этади. Ушбу кунда Жамиятнинг фаоллари мустақил равишда Ўзбекистоннинг турли вилоятларида қушларни саноқ кунини ўтказадилар. Мисол учун Россияда фаол-экологлар шу куни қушлар учун сунъий қуш уялари ясаб осиб чиқадилар.
  9. Ҳалқаро Қушлар Кунида жамиятимиз аъзолари Тошкент шаҳри ботаника боғида «Орнитологик мусобақа» номли акция ўтказилади. Акциянинг маъноси мусобақа шаклидаги қушлар саноғидир. Олдиндан парк ёки катта боғ танланади ва у ерда учратиш мумкин бўлган қушлар рўйхати тузилади. «Орнитологик мусобақа» акциясида ҳамма ҳоҳловчилар: катталар ҳам болалар ҳам қатнашиши мумкин. Улар бир нечта командаларга бўлинадилар. Қайси команда парк ёки боғда маълум бир вақт ичида энг кўп қуш турини учратиш номларини ён дафтарчасига ёзиб келса, шу команда ғолиб ҳисобланади.

***Маслаҳатлашиб кўринг! Ушбу сессияга энг яхши амалий топшириқ клуб аъзоларининг ўзлари мустақил равишда акциялардан бирини ўтказишларидир. Мисол учун сизлар бир нечта қуш уяларини ясаб паркларда, ёки факультет атрофидаги боғлардаги дарахтларга осиб чиқишингиз мумкин.***

***Ё бўлмаса, орнитологик баҳслашув мусобақаларини ўтказишингиз мумкин. Бунинг учун клуб аъзолари билан муҳокама этиб кўринг. Тошкентдаги клуб аъзолари қуш уялари яшаш ва осиб чиқишга кўникмалар ҳосил қилдилар. Клуб раҳбари ва сардори бу ҳақда мамнуният билан фикр алмашишлари мумкин.***

10. Бизнинг жамиятимиз мунтазам иштирок этадиган яна бошқа иккита акциялар бор, булар – Ҳалқаро қушларни кузги санок кунини ва Ҳалқаро Қушларни қишки санок кунларидир. Ушбу акцияларда иштирок этиб ва бўш вақтингизни табиатда қушларни кузатишга бағишлаб сизлар мамлакатимизда ва бутун дунёда қушларни муҳофазаси учун овоз берасизлар! Шунинг учун ёдда тутингки бир вақтда ва кўпчилик ёрдамида амалга ошириладиган саноклар муҳим илмий аҳамиятга эга. Кўпинча, қуш ишқибозлари ташаббуси билан ноёб турларни қишлаши, уларни ҳудудий тақсимланиши ва уларни максимал тўпланган ерлари ҳақида қизиқарли далилларни аниқлашга эришилади. Мисол учун мамлакатимизда тўпланган қишки саноклар натижалари ер юзидан сув ва сув олди қушларини ўрганиш билан шуғулланувчи Wetlands International ҳалқаро лойиҳаси координаторига юборилади. Ундан ташқари мамлакатимизда учратилган ҳар бир қуш ҳақидаги маълумот мутахассислар ва ҳамма ҳохловчилар учун очиқ бўлган AviCA маълумотлар базасига киритилади.
11. Машғулот охирида, ўтилган материалларни мустаҳкамлаш мақсадида, яна бир бора талабалардан Жамият томонидан ўтказилаётган акция ва кампанияларнинг мақсади, улар кимларга қаратилганлиги, ҳамда, уларда иштирок этиб биз қандай мақсадларни кўзлаётганимизни сўраб кўринг.
12. Балки, машғулот охирида талабаларда янги ва ажойиб акциялар ўтказиш ҳақида қизиқарли фикрлар пайдо бўлиши мумкин.

**4-хафта. Сессия 16.**

**Сессиянинг номи:** Клубни ривожлантириш ва сардорлик маҳоратини ошириш

**Давомийлиги:** 2 соат.

**Машғулотга нималар керак:**

Машғулот ўтказиш учун компьютер, проектор, ватманлар, маркерлар, скотч, лазер кўрсаткич керак бўлади.

**Сессиянинг бориши:**

1. Сессиянинг бошланишида машғулот маъносига чуқурроқ тушуниш ва клубингизни ривожлантиришда клуб жамоасини иноқлик ва бирдамликда ишлаши нималар учун зарурлигини яхши тушуниб олиш учун қуйидаги ўйинни ўйнаб кўринглар. Ўйиннинг номи “Клуб аъзоси устидан суд”. Номидан кўрқманг, агар ўйинни боришини яхшилаб ўқиб чиқсангиз у жуда қувноқ ўтади. Ўйинга тайёргарлик ва ўйинни ўтказишга – 30 дақиқа. Иштирокчилар ўйиндаги ролларни қуйидаги тарзда тақсимлаб олишлари керак: жабрланувчи – клуб сардори, айбланувчи – клуб аъзоси. Бошқа аъзолардан ҳамма нарсани ватманга ёзиб борувчи котиб, судья, адвокат ва прокурор (қораловчи) ни танлаб олиш керак. Қолган аъзолар гувоҳ бўладилар. Мазмун қуйидагича. Ҳамма жараённи судья бошқаради. У ҳаммани навбат билан гапиришларини ва бир-бирларини гапларини бўлмасликларини кузатиб туради. Котиб ҳамма гапирилган гапларни қисқа қилиб ватманга ёзиб боради. Ўйин қоидасига биноан клуб сардори бошқаришни қаттиқ қўллик услубини танлайди, аъзолардан баъзилари ундан кўрқадилар ҳам. Сардор клуб аъзосини клуб ишида ҳаддан зиёд ташаббускорликда айблайди, масалан, сардор билан келишмасдан туриб, бир неча акциялар ўтказганликда, стенгазета чиқаришида, ёки, қушлар саноғини ташкил этишда (ўзингиз янги бир нарсани ўйлаб кўринг). Натижада вазият сардор назоратидан чиқиб кетди. Лекин, айбланувчи айбини бўйнига олмаяпти ва ўз харакатларини клуб учун қилганлигини исботлашга ҳаракат қилмоқда. Адвокат айбланувчини оқлайдиган далиллар келтирса, прокурор эса акси, айбланувчини айблайди. Сўнгра, судья

клуб аъзосига нисбатан фойда ёки қарши далилларни берувчи гувоҳларни чақиради. Ўйин иштирокчиларининг ватманда ёзилган барча аргументларини таҳлил қилиб чиққандан сўнг суд жараёнининг натижалари маълум бўлади. Шунда клуб аъзоси ҳақ ёки айбдорлигини ойдинлашади.

2. Презентациянинг биринчи слайдини очинг ва сессия иштирокчиларидан уларнинг фикрларича сардор қандай бўлиши керак деб сўранг.
3. Сардор сўзига ҳартомонлама ва аниқ таъриф йўқлигини айтинг.

***Сардорнинг ўзи ким? Кўпчилик сардорликни туғма қобилият деб ҳисоблайдилар, лекин ҳамиша ҳам ундай эмас. Жамиятдаги сардорларнинг сони сардор бўлиши мумкин бўлганлар сонидан ҳамиша камдир. Сардорлик биринчи галда кўникма бўлиб уни ўрганиб олиш мумкин. Сардорнинг биринчи вазифаси – мақсад ва фаолият йўналишини белгилашдир. Яхши сардор ортидан эргашадилар, ёмонни таъқиб қиладилар.***

4. Ҳар бир сардорни ажратиб турувчи битта фазилати бор. Бу мотивациядир. Ҳар бир сардор эришган ютуқларидан ортиқроққа эришишга, ҳамма кутилган натижаларни – ҳоҳ у ўзиники, хоҳ бировники бўлсин ортда қолдиришга ҳаракат қилади. Сардорлар бирон бир нарсага эришиш учун доимо ўз устиларида ишлайдилар.
5. Мотивация тушунчасини яхшилаб тушуниб олиш ва нима учун баъзи инсонлар сардор бўла оладилар, бошқалари эса йўқлигини билиш учун биз Маслоу пирамидасини кўриб чиқишимиз кераклигини айтинг.
6. Бу пирамидани америкалик психолог (руҳшунос) Абрахам Маслоу (1908-1970) яратган. У инсонларнинг талабларини тартибга солган. Унинг теорияси бўйича, ҳамма талаблар бир-бири билан боғлиқ. Паст қатор ва юқори қатор талаблар мавжуд. Авторни сўзларига биноан паст қатордаги талабни қондирмасдан туриб кейинги қатор талабини амалга оширишнинг иложи йўқ.

7. Маслоу пирамидаси кўрсатилган слайдни очинг ва инсон талабларини ҳаммасини шартли равишда 6 гуруҳга бўлиш мумкинлигини айтинг.
8. Физиологик талаблар яшаш учун муҳимдир. У ҳаво, сув, овқат, бошпана ва хордиқни ўз ичига олади.
9. Ҳавфсизлик ва ишончга келажакда
10. Келажакни хавфсизлиги ва ишончлиги ўз ичига атроф муҳитдан келадиган моддий ва руҳий ҳавфлардан муҳофазани ва келажакда моддий талабларни қондирилишига ишончни қамраб олади.
11. Ижтимоий талаблар – бу талаблар инсонни нимагадир алоқадорлигини, боғлиқлигини, қўллаб-қувватлаш ва ёрдам тушунилади.
12. Ҳурматга талаб ўз ичига ўз-ўзини ҳурмат қилиш, шахсий ютуқлар, эътибор, атрофдагиларни ҳурмати ва эътироф қилиш тушунилади.
13. Эстетик талабларга гўзаллик, санъат кабилар киради.
14. Ўзлигини намоён қилишга эҳтиёж – ўзини потенциал имкониятларини амалга ошириш, шахс сифатида тараққий этиш.
15. Кўпчилик инсонлар ўз тараққиётида Маслоу пирамидасининг кўпи билан учинчи поғонасига етишадилар. Уларнинг мақсадлари, масалан уй, ойлик, оила. Баъзилари пирамиданинг тўртинчи ва бешинчи поғоналарига етишадилар. Улар сиёсий арбоб, ёки корхона раҳбари бўлиш орзуси чорлайди. Уларни ўсишига асосий омиллар: юқори маош, иши юришган инсон қиёфаси, юқори лавозим, нуфузли ташкилотда ишлаш ва ҳ-зо. Бу одамлар шахсий ўсиш ҳақида камдан-кам ҳолда ўйлайдилар.
16. Одамларнинг фақат 1% гина пирамиданинг юқори чўққисига эриша оладилар. Уларни бир нарса яратиш ва ўзидан кейин қолдириш истаги ҳаракатлантиради. Улар қаторида рассомлар, ёзувчилар ва ихтирочилардир. Уларни бирлаштирувчи асосий нарса – ҳар доим камолга етишга, такомиллашишга талабдир. Улар қаторига потенциал сардорлар, яъни, сизлар ҳам кирасизлар.
17. Энди, қандай шахсий сифатлар бизга кераклигини ва олдинга ҳаракат қилишимизга нималар мажбур этаётганлигини билиб, клубимизни ривожлантириш, ҳамда тараққий эттириш йўллари кўриб чиқамиз.

18. Айтинг, клубни ривожлантириш ва камолотга эриштириш клуб сардори ва барча аъзоларининг асосий вазифасидир. Клуб бу биринчидан жамоа – барча жамоа ишлари эса муҳокамага асосланган.

***Ёдда тутинг! Клуб ишларига алоқадор бўлган ҳамма таклиф, муаммо ва масалалар мажлисда ҳамма аъзолар иштирокида муҳокама этилиши керак. Муҳокамадан сўнггина қандайдир қарор чиқариш мумкин. Акс ҳолда клуб аъзолари “Клуб аъзоси устидан суд” ўйинида кўрсатилганидек ҳаётда ҳам шунга ўхшаш воқеалар иштирокчиларига айланиб қолишлари мумкин.***

19. Шундан сўнг презентацияда “Мен нима учун клубдаман?”, “Клубда қандай қийинчиликлар бор?”, “Клубга нималар етишмайди?” каби саволли слайдлар бор. Навбат билан ҳамма слайдларни кўрсатинг ва алоҳида ватманга ҳар бир клуб аъзосининг ҳар бир саволга берган жавобини ёзиб боринг.
20. Сўгра ҳамма жавобларни таҳлил қилиб кўринг. Ҳар бир ватманда ўхшаш жавобларни топинг ва умумлаштиринг. Мисол учун бир талаба клубга компьютер, иккинчиси эса фотоаппарат етишмайди деса бу иккита пунктни битта пункт “Ускуналар етишмаслиги” деб умумлаштиринг. Учта тоза ватман вароғини олинг. Битта ватманда нима учун талабалар клуб аъзоси эканлигини чизинг (масалан, бинокль расими – бу қушларни кузатишга хоҳиш, дарахт – бу табиатни севиш ва ҳ-зо). Иккинчи ватманда клубдаги қийинчиликларни тасвирланг. Учинчи ватманга эса сизга етишмаётган нарсани чизишга ҳаракат қилинг. Шу расмга мисолни презентацияда “Анализ” слайдида кўришингиз мумкин.

***Муҳим! Жамоа билан музокара натижаларини яққол кўрсатиш мақсадида ҳамма тайёрланган плакатларни клуб деворига осиб, машғулотдан сўнг эса сессиянинг ҳамма материалларини сақлаб қўйинг.***

21. Энди, ҳамма жавобларни таҳлил этиб, клубингиз ривожланишига асосан нималар тўсқинлик қилаётгани ва унинг мукамал иш олиб боришига нималар етишмаётганини ўйлаб кўринг. Шундан сўнг, қисқача қуйидаги саволга жавоб таърифланг: Биз клубимиз ривожланишига тўсқинлик қилаётган нарсаларни енгишга ва клубимизга етмаётган нарсаларга эга бўлишга нималар қилишимиз керак? Бу саволга жавоб клубнинг яқин кунлардаги мақсадини кўрсатади. Масалан, клуб фаолиятини юритишда асосий қийинчиликлар бу - клубнинг ўз хонасига эга эмаслиги ва сессия машғулотларини ўтказишга флипчарт (ватманлар осадиган доска) етишмаслиги аниқланди. Демак, клубнинг яқин ярим йилдаги мақсади қуйидагича янграйди: клубга хона топишга ҳаракат қилиш ва флипчартга эга бўлиш.

***Эсда тутинг! Мақсадни аниқлаб, сиз унга эришиш учун биринчи қадамни қўясиз. Ёдда тутинг, энг узун саёҳат ҳам биринчи қадамдан бошланади.***

22. Машғулотимизга топшириқ сифатида клуб ишларини клубнинг энг фаол аъзолари орасида тақсимлашни ўйлаб кўринг. Масалан, клуб сардори таълим дастури сессияларини олиб боришга жавоб берса, бошқа кимдир, балки, ҳар ойнинг охирида ўтилган сессиялар ҳисоботини тайёрлаб Қушларни муҳофаза қилиш жамиятига юбориши мумкин.

**1-хафта. Сессия 17.**

Сессиянинг номи: Орнитология ва бёдвочинг: тарихи ва аҳамияти

**Давомийлиги:** 1 соат 30 дақиқа.

**Машғулотга нималар керак:**

Машғулот ўтказиш учун компьютер, проектор, ватманлар, маркер, скотч, коптокча (сеҳрли олма) керак бўлади.

**Диққат!** *Интизомга аҳамият беринг. Таълим дастурида иштирок этиш ихтиёрий, лекин машғулотларга мунтазам қатнашмаган талабалар ҳамма материални ўзлаштира олмайди ва клуб ишида иштирок этолмайдилар. Буни ҳаммага тушунтиринг ва ёдда тутинг – ўқишдан натижа асосан сардорга, яъни сизга боғлиқ!*

**Сессиянинг бориши:**

1. Сардор клубнинг ҳамма аъзоларини тўплайди. У ҳамма билан саломлашиб, бугун таълим дастурини 5 диск бошлашини эълон қилади. Сардор сессия мавзусини айтгач, олдинги сессиядаги энг эсда қоларли нарсаларни эслашни айтади. Сўнгра сардор ҳар бир иштирокчига коптокчани отади ва унинг жавобини эшитади (10 дақиқа).

**Ёдда тутинг!** *Шу машқ орқали иштирокчилар ўтилган материални қайтарадилар. Бу машқни ҳар хафтани бошида ўтказган маъқул.*

2. Сардор презентациянинг биринчи слайдини кўрсатади ва «орнитология» ҳамда «бёдвочинг» сўзининг маъносини сўрайди.
3. Кейинги слайдда сардор қушлар – бу ҳайвонот дунёсининг юксак даражада тузилган синфларидан бири эканлигини айтади. Танасини пат билан қопланганлиги, олдинги ҳаракат органларини қанотга айланганлиги, тухумини қаттиқ пўст билан қопланганлиги бу гуруҳни бошқа

хайвонот дунёси вакиларидан ажратиб туради. Қушлар синфига хордалилар типи – *Chordata*, (умуртқалилар кенжа типи - *Vertebrata*), юқори даражада тузилган гомойотерм, яъани, иссиқ қонли, олдинги ҳаракат органлари қанотга айланган, танаси пат билан қопланган тухум қўйувчи амниоталар киради. Ҳозирги замон қушларининг тишлари йўқ.

4. Қушларни биринчи бўлиб Аристотель (эр. аввалги 384-322 й.лар) ўрганишни бошлаган. Қушлар қадим замонларда инсонларни озиқ-овқат билан таъминлаб келган элементлардан бири ҳисобланади. Қушларни ўрганиш ҳам қушларни, ҳам табиат ҳодисаларини ўрганиш мақсадида ўрганилади. Улар инсонларни табиатни севишга, уни эстетик қабул қилишга имкон яратади.
5. Ҳозирги кунда Ер юзасида 10 мингга яқин қуш турлари яшайди. Улар сон жиҳатидан умуртқали ҳайвонлар ичида балиқлардан кейин туради ва ер юзасининг деярли ҳамма ерида учрайди. Мослашиш хусусияти қушларга осмон, денгиз ва қуруқликни очди. Қушлар учрамайдиган ягона жой бу Антарктида қитъасини марказий қисмидир. Баъзи қушлар сувнинг 30 метрдан чуқурроғига шўнғиб балиқлар яшаш муҳитига ҳам кириб борадилар.
6. Сўнгра сардор талабаларга «орнитология» нималигини тушунтиради. Орнитология бу - Зоология фанининг қушлар синфини ўрганадиган фан эканлигини айтади.
7. Биологиянинг кўп тармоқларидаги умумбиологик кашфиётлар орнитологик материалларда очилган. Ўзининг кўп йиллик тарихи давомида орнитология фани қушлар ҳақида жуда кўплаб билимлар тўплаб кўплаб йўналишларга тармоқланган.
8. Кейин талабаларга орнитологиянинг вазифалари ҳақида гапириб беринг.
9. «Бёдвочинг нима?» слайдини очинг. Талабалардан «бёдвочинг» нималигини, инглиз тилидан қандай таржима қилинишини ва нимани англатишини сўранг. Сўнг ENTER ни босиб ушбу саволга жавобни кўрсатинг.

**Ёдда тутинг! Презентациядаги кўпчилик слайдлар САВОЛ-ЖАВОБ кўринишида берилган. Савол берилган слайдда талабаларга шу саволни беринг.**

**Сўнгра ҳамма жавобни бериб бўлгач, ENTER ни босинг ва экранда тўғри жавоб кўринади.**

10. Талабалардан БЁДВОЧЕРлар ким деб сўранг. Сўнгра, ENTER ни босиб тўғри жавобни кўрсатинг.
11. Талабаларга қушларнинг ҳар 10-тури йўқолиш арафасида турганини айтинг. Ўзбекистонда ҳозиргача қушларнинг 460 тури учраши аниқланган. Шулардан 19таси глобал ҳавф остида, 13таси эса шу категорияга яқин туради. Ўзбекистонда бор йўғи 10та малакали орнитологлар ишлайди. Уларга биз ёш бедвочерлар ёрдам беришимиз керак. Қушларни кузатиб биз профессионал орнитологларга катта ёрдам берамиз ва қушларни тарқалиши, сони ва ҳаёт тарзи каби маълумотларни тўплашда ўз ҳиссамизни қўшамиз.
12. Бедвочер бўлиш обрў, замонавий, ёки фақат қизиқ бўлибгина қолмасдан у шарафли ҳамдир! Америка аҳолисининг 13% бедвочинг билан шуғулланади. Қушларни кузатиш мегаполис аҳолиси учун шаҳар шовқин-суронидан қисқа вақт ичида дам олишда катта ёрдам беришини тушуниб олдилар. Қушларни кузатишни Чарльз қироли, интернетни ишлаб чиққан миллиардер Билл Гейтс ҳам жуда яхши кўради. Агент 007 китоблари автори ҳам бедвочинг билан жуда қизиққан ва ўзининг қахрамонига ўша давр орнитологи Джеймс Бондни исмини кўйган.
13. Бедвочернинг асосий вазифаси – излаш, кўриш ва ҳамма учраган қуш турларини аниқлашдан иборат. Бедвочинг Британия оролларида юзага келиб, тарихи бир неча асрни ўз ичига олади. Замонавий бедвочерлар бир-бирлари билан мусобақалашадилар – ким қанча қуш тури кўрди. Ғарбдаги бедвочерлар умри давомида қанча қуш тури кўрганликларини ҳам санайдилар. Бедвочер ҳар доим ўз “ҳаёт қушини” кўришни ҳохлайди. Бу уни ҳали кўрмаган қуши ҳисобланади.

**Ҳаммага айтинг! Ҳақиқий бедвочерлар жуда ашаддий ишқибоз инсондирлар. Кўпинча улар табиат муҳофазасидан йироқ касб эгасидирлар. Улар тиш врачлари, ишбилармонлар, менеджерлар...**

**Булар Англия, Швеция, Дания каби давлатларнинг жиддий одамларидир. Қушлар улар учун – хоббидир. Бир неча янги қуш турини кўриш учун улар бўш вақтлари ва маблағларини аямасдан, қимматбаҳо ускуналарни харид этиб бир неча минг доллар сарф этиб ер юзасининг турли ерларига боришга тайёрдирлар.**

**Ҳаммага айтинг! Сизлардан бинокллар, бошқа ускуналар ва экспедициялар учун ҳеч қандай маблағ талаб этилмайди. Сизлардан талаб этилаётган нарса экспедиция ва клуб ишида ёрдам берадиган – билимдир. Сиз БЁДВОЧЕР унвони билан фахрлансангиз бўлади ва бу қизиқарли ҳамда, фойдали ишга ўз дўстларингизни ҳам жалб этинг!**

14. Машғулот охирида мустақил иш сифатида бедвочерни ҳар ким қандай тасаввур этишларини чизиб беришларини сўранг. Расм чизишни ҳохламаганлар бедвочер хақида шер тўқишлари мумкин.

**2-хафта. Сессия 18.**

**Сессиянинг номи:** Қандай қилиб яхши бедвочер бўлиш мумкин: анжомлар ва ҳавфсизлик

**Давомийлиги:** 1 соат 30 дақиқа.

**Машғулотга нималар керак:**

Машғулот ўтказиш учун компьютер, проектор, бинокль, кузатиш трубаси, қуш аниқлагичи керак бўлади.

**Сессиянинг бориши:**

1. Клуб сардори клубнинг ҳамма аъзоларини тўплайди.
2. Сардор биринчи слайдни очади ва яхши бедвочер бўлиш учун кўп нарсаларни билиши кераклигини айтади.
3. Иккинчи слайд. Сардор бедвочерликни янги бошлаётганлар қушларни кузатиш учун керакли жиҳозлар ҳақида тасаввур бўлиши кераклигини тушунтиради. Булар турли жиҳозлар, кийим, ҳамда, техника ҳавфсизлиги қоидаларидир. Буларнинг ҳаммаси ҳақида ушбу сессияда кўриб чиқамиз.
4. Кейинг слайдда сардор қушларни кузатиш учун махсус ускуналар кераклигини айтади. Лекин, бедвочерга энг асосийси бу – кўриш ва эшитишдир. Синчковлик билан кузатмайдиган, қулоқ солмайдиган, эътиборсиз бедвочерга, энг замонавий анжомлар ҳам ёрдам бермайди!
5. Ҳаммага тушунтиринг, бедвочерга бир йўла барча мумкин бўлган оптик анжом ва экипировка – дурбин, кўриш трубаси, фотоаппарат, дала аслаҳаси ва ҳ.к. зарур деб ўйлаш керак эмас... Амалда аксинча – бунинг учун кўп нарсалар керак эмас. Уларнинг сони бедвочернинг қизиқишларига боғлиқ.. Бироқ, биринчи навбатда, бедвочерда дурбин, қушлар аниқлагичи ва дала кундалиги бўлиши керак.
6. Дўстларингиздан биноклдан фойдаланганмисиз деб сўраб кўринг? Балки клуб аъзоларидан бири ҳаммага бинокл ҳақида билиш керак бўлган нарсаларни гапириб берар.
7. Биноклларнинг турлари ҳақида, улардан фойдаланишни, кўзингизга мослашни ва ундан қушларни қандай қилиб кузатишни тушунтириб беринг. Қўлингизга биноклни олинг

ва уни тўғри ушлашни, ҳамда қандай мослашни кўрсатинг. Сўнгра биноклни ўрганишлари учун бошқа клуб аъзоларига ҳам беринг.

**Ҳаммага тушунтиринг!** *Йўлда олиб юрган вақтингиздан ташқари ҳеч қачон дурбинни ғилофида ушламасликка ҳаракат қилинг! Ахир энг қизиқ қушлар айнан дурбинингиз бўлмаганда ёки уни ғилофидан чиқараётганингизда учиб кетади. Дурбинни ҳар доим қўл остида ушланг ва сиз ҳеч нарсани ўтказиб юбормайсиз!*

8. Энди қандай кўриш трубалари борлигини, улар нимага хизмат қилишини ва улардан қандай фойдаланишни гапириб беринг. Кўриш трубасини ўрнатинг, штативни мослаш ва трубадан тўғри фойдаланишни кўрсатинг. Ҳохловчилар труба орқали кўришлари мумкин.

**Билинг!** *Ўз кузатишларида дурбиндан фойдаланишга ўрганганлар учун кўриш трубасидан фойдаланиш (бошқачасига уни телескоп дейишади) мураккаброқ бўлиб туюлиши мумкин. Қандай бўлмасин, бир марта кўриш трубасидан фойдаланиб, сиз бошқа усиз юра олмайсиз, бепоён сув ҳавзаларида эса унга тенги топилмайди. Бироқ кўриш трубаси ҳеч қачон дурбин ўрнини боса олмайди.*

9. Труба ҳақида гаплашиб бўлгач, талабалардан бедвочер ўзи билан яна нималар олиб юриши кераклигини сўранг. Уларнинг ҳамма жавобларини эшитинг.
10. Кейинги слайдни очинг ва бедвочер анжомлари ичида энг асосийларидан бири бу кундалик дафтари эканлигини айтинг. Кўпинча уни ёддан чиқарадилар, лекин у труба ва бинокл сингари зарур ашёлардан бири ҳисобланади.

**Диққат!** *Кузатув олиб боришнинг биринчи кунларидан бошлаб кундалик тутиш бедвочер ишининг ажралмас қисми, ҳамда яхши одат бўлиши керак. Дала кундалиги ҳар доим ёнингизда бўлсин. У кичикроқ, ҳамда, сифатли материалдан тайёрланган бўлгани маъқул. Жилди фақат елимланган бўлмай, балки тикилган ёки бириктирилган бўлиши зарур. Кундалик дафтар билан бирга ҳамisha ручка ёки қалам олиб юринг!*

11. Дўстларингиздан сўраб кўринг, кундаликка нималарни ёзиш мумкин? Сўнгра кузатув маълумотлари нималарни ўзида жамлаган бўлиши кераклигини сўранг. Ҳамма жавобларни доскага ёзинг. Энди хулоса қилиб, дала кундалигида маълумотлар қуйидаги кетма-кетликда бўлиши кераклигини айтинг:

- ✓ **Кузатиш санаси;**
- ✓ **Кузатиш ҳудуди;**
- ✓ **Кузатиш вақти;**
- ✓ **Иштирокчилар;**
- ✓ **Экскурсия вақтидаги об-ҳаво: ҳарорат, шамол, булут, ёғингарчилик;**
- ✓ **Учраган қушлар ҳақида маълумот, уларнинг сони (қушларни аниқлашда қийинчиликлар туғилганда, кундалигингизда қушларни сурати ва асосий хусусиятларига таъриф келтиришингиз мумкин).**

12. Қуш аниқлагичлари. Қуш турини аниқлашда аниқлагичлардан фойдаланмасликни иложи йўқ. Тажрибали орнитологлар ҳам ундам доимо фойдаланадилар. Қушларни ўз кўзингиз билан кўриб уни аниқлагичдаги тасвири ва таърифи билан солиштириб, ҳар хил турларни ажратиб турадиган белгиларини солиштирган холда, бир неча бор эътибор билан кўриб чиққандан сўнг, сиз бирмунча ишонарли даражада бу турни аниқлай оласиз ва эслаб қолишингиз мумкин.

**Эслаб қолинг! Агар тур сиз учун мутлақо янги бўлса, аниқлагичсиз ишингиз битмайди.**

13. Ҳаммадан сўраб кўринг, экскурсияга чиқаётганда яна нималарни билиш лозим. Ҳамма жавобларни эшитинг.
14. Энди, энг мос жавобларни жамлаб, айтинг – экскурсияга чиқаётиб биз кийим ва ҳавсизликни эсимиздан чиқармаслигимиз керак!
15. Кейинги бирнеча слайдни кўсатиб уст кийимимиз, ҳамда пойафзалимиз қандай бўлишини кўрсатинг.

**Ёдда тутинг! Презентациядаги слайдлар – бу бор йўғи сизнинг чиқишингизнинг асосидир. Талабаларга ўз шахсий тажрибангиз ва сиз иштирок этган экспедициялар давомида рўй берган ҳодисаларни эшитиш кўпроқ қизиқтиради. Масалан, экспедиция ёки пахтага сиз қайси кийимларингизни олгансиз, қайсиларини уйда қолдириш мумкин эди ва уни ўрнига қайсиларини олиш керак эди.**

16. Талабаларни 3 гуруҳга бўлинг ва кичкина бир машқни бажаришни сўранг. Бир гуруҳ ёзда тоғда керак бўладиган кийимларни рўйхатини тузсин. 2 гуруҳ чўлда куз фаслида керак бўладиган кийимларни рўйхатини тузсинлар. 3 гуруҳ эса қишда кўлга ёки сув омборига қайси кийимларини олишларини ёзсинлар. Охирида, ҳар бир гуруҳ доскага чиқиб нимани ва нимага ёзганларини гапириб берсинлар. Кейин кўпчилик бўлиб қайси гуруҳ тўғри ёзгани ва қандай хато қилганликларини муҳокама қиласизлар. Бу машқни бажаришга 15 дақиқа етарли.
17. Алоҳида айтиб ўтинг, сафарда бедвочер ўз соғлигини эсдан чиқармай, ҳавфсизлик қоидаларига эътибор бериши керак. Дала сафарларида турли ҳавф-хатарларни ёдда тутиш керак.
18. Техника ҳавфсизлиги ҳақида гапириб ўтинг:

- ✓ **Сафарда озиқланиш калорияли ва балансланган бўлиши керак. Ёнингизда доимо сув ёки бошқа суюқликнинг етарлича захираси бўлиши зарур;**
- ✓ **Агарда сафарингизда тунаш назарда тutilган бўлса, бу мавзу бўйича ҳудудни ва шароитларни биладиган инсонлардан маслаҳат олинг ва сафарга тўлиқ тайёргарлик кўриб чиқинг;**
- ✓ **Ёнингизда доимо пичоқ, гугурт ва индивидуал боғлаш пакети бўлиши шарт;**
- ✓ **Хавфли жойларга ёлғиз борманг;**
- ✓ **Ҳар эҳтимолга қарши, сизга сафарда керак бўлиб қолиши мумкин бўлган бир нечта телефон рақамларини ёзиб олишни ва мобил телефонингизни олишни унутманг;**
- ✓ **Кимдир сизни қаердалигингиздан ва қачон уйга қайтишингиздан доимо хабардор бўлиши керак.**

19. Сўнгра талабаларни 2 гуруҳга бўлинг ва ҳар бир гуруҳдан 20 дақиқа мобайнида далада юз бериши мумкин бўлган ҳодисаларни кўрсатиб беришларини сўранг. Ҳар бир гуруҳ бу ноҳуш ҳодисани олдини олишни кўрсатиб беришлари муҳимдир!
20. Сессия охирида бинокль ва кузатиш трубасини олиб ҳовлига чиқиб атрофдаги қушларни кузатиб машқ қилиб кўриш мумкин.

**3-хафта. Сессия 19.**

**Сессиянинг номи:** Қандай қилиб яхши бедвочер бўлиш мумкин: кузатиш объекти сифатида қушларнинг хусусиятлари

**Давомийлиги:** 1 соат 30 дақиқа.

**Машғулотга нималар керак:**

Машғулот ўтказиш учун компьютер, проектор, қуш аниқлагичи, “Ўзбекистоннинг 100 та қуши” плакати, «Қушларни қандай кузатиш ёки қандай қилиб яхши бедвочер бўлиш мумкин» брошюраси керак бўлади.

**Сессиянинг бориши:**

1. Клуб сардори клубнинг ҳамма аъзоларини тўплайди.
2. Қушлар ўзига эътиборни тортадиган хусусиятлари – уларнинг кўп сонлилиги, ҳаракатчанлиги, кўзга ташланиши ва сайраши – қушларни ўрганиш объекти сифатида, кўпроқ яширин ҳаёт кечирадиган, амфибиялар, судралиб юривчилар ва сут эмизувчилардан фарқ қилади. Саёҳатларда одатда қушлар биринчи бўлиб кўзга ташланади, уларнинг товуши ва сайрашларини узоқдан эшитиш мумкин.
3. Қушларнинг ҳаракатчанлиги, бир тарафдан уларни билинарли қилади, бироқ, иккинчи тарафдан уларни узоқ кузатишга тўсқинлик қилади ва кузатувчини эпчиллик намойиш этишга мажбурлайди. Катта ёшдаги қушлар ўзини озгина, бор-йўғи бир неча дақиқа, учганда эса бундан ҳам кам вақт кўришга имкон беради. Ҳатто масофадан ўзини яхшилаб кўриб олишга ҳар доим ҳам имкон бермайди. Одатда улар одам борлигини сезмаганда, уларни яхшилаб кўриб олиш мумкин. Бунинг учун, сайрда иложи борица кўпроқ кўриш ва эшитиш учун, биринчи навбатда ўзингиз камроқ кўриниб овоз чиқармаслигингиз керак.
4. Баъзи қушлар жуда ёрқин рангларда бўлади ва сиз уларни осон аниқлашингиз мумкин. Бошқаларини ранги атроф муҳитга жуда мос тушиб, уларни аниқлаш анча қийин. Масалан, пеночкалар, мойқут ва тўқайчумчуқларнинг ранглари бир-бирларига жуда ўхшашдир.

5. У ёки бу жойда қушнинг борлиги тўғрисида кўпинча унинг, фақат сайраш деб қабул қилиб бўлмайдиган, овозидан муҳокама қилишга тўғри келади. Қушларда ҳатто бир бирини кўрмай туриб, улар ёрдамида ўзаро масофада алоқада бўла оладиган, кўп турли товушлари бор. Бирорта сигнал бера туриб, қуш мос равишда ўз турининг бошқа зотларини ё кўзғатади, ё тинчлантиради ва бу билан, ўзининг вазияти тўғрисида хабар беради. Бу “қушлар тили” – сигналлар тили. Чумчуқларда, масалан, ўртача 20-25гача сигнал бор.

**Қушларни аниқлашда бир нечта нарсаларга аҳамият бериш керак: ўлчами, ранги, овози, ҳатти-харакати ва яшаш муҳити**

6. Сўнгра иштирокчиларни 2 ёки 3 кишидан иборат гуруҳларга бўлинг. “Биз қушларни қандай қилиб аниқлаймиз?” слайдини кўрсатинг. Ҳар бир гуруҳ 2 дақиқа мобайнида кўрсатилган фотосуратдаги қуш белгилари рўйхатини тузади. Сўнгра ҳамма белгиларини доска ёки ватманга ёзинг.
7. “Қушнинг асосий белгилари” номли кейинги слайдни кўрсатинг ва қуш белгиларини 5 гуруҳга бўлиш мумкинлигини айтинг. Булар ҳажм, шакл, ранг, товуш, хулқ-атвори ва яшаш муҳитидир. Қушни характерлайдиган ушбу белгиларига қараб қуш турини аниқлаш мумкин.
8. Энди қушни унинг асосий белгиларига қараб аниқлашга ҳаракат қилиб кўрамиз. Қуш белгилари жадвали туширилган кейинги слайдни очинг. Миш тугмасини “Ҳажми ва шакли” бўлимига босинг ва жадвалда қушнинг биринчи белгиси пайдо бўлади. Тугмани яна бир босинг ва кейинги белги пайдо бўлади ва ҳ-зо. Сессия иштирокчиларининг вазифаси қуш турини аниқлаш. Балки, талабалардан баъзилари қушни икки ёки, учта белгисидан аниқлай олар.
9. Сўнгра, талабаларни бир нечта командаларга бўлиб “Қуш турини аниқлаймиз” машқини давом эттиришингиз мумкин. Биринчи бўлиб аниқлаган команда енгиб чиққан ҳисобланади, масалан, фақат ҳажми ва шаклига қараб, ёки, товуши ва рангидан.
10. Кейинги ўйинимиз “Ким қушни тезроқ аниқлайди” деб номланади. Талабалар командаларга бўлиниб оладилар.

Ҳар бир гуруҳ аниқлагичда ёки, “Ўзбекистоннинг 100 та қуши” плакатида битта қушни танлайди. Бу қуш сизнинг туманингизда ёки, шаҳарингизда учраши, осон таниладиган ва ноёб бўлмаган тур бўлиши керак. Кейин, 10 дақиқа мобайнида ҳар бир гуруҳ презентациядаги жадвалда кўрсатилганидек ўз қушини 5 та асосий белгисини ёзиши керак. Ҳар бир гуруҳ таърифи тайёр бўлгандан сўнг ўйинни бошлаш мумкин. Ўйиннинг моҳияти шундан иборатки, ҳар бир гуруҳ навбат билан ўз қушининг белгиларини бошқа гуруҳга ўқиб беради ва улар бу қандай қуш эканлигини топишлари керак. Энг кам белгиларидан топган гуруҳ ғолиб ҳисобланади.

**Яхши бедвочер** ҳар хил турдаги қушларнинг феъл-атвори ва яшаш тарзи тўғрисида етарли даражада кўп маълумотга эга бўлиши керак. Шундай қилиб, шаҳар ёки қишлоқда бўлганда, бу ер учун энг оддий қушлар – майна, зағизғон ва дала чумчуғи эканлигини биламиз. Текисликдаги сув ҳавзаларида сувторғоқ ва қашқалдоқлар кўпроқ учрайди; кўк қарға, куркунак ва бошқалар – тоғ этаги зонасининг энг кўзга кўринадиган қушларидир. Қисқасини айтганда, бу жиҳатдан пухта билимга эга бўлган бедвочер, қандай ландшафтда бўлмасин, қушларнинг қайси турларини кўриши керак ва кўриши мумкинлигини ҳар доим билади.

**4-хафта. Сессия 20.**

**Сессиянинг номи:** Қандай қилиб яхши бедвочер бўлиш мукин: кузатиш вақтида ўзини қандай тутиш керак?

**Давомийлиги:** 1 соат 30 дақиқа.

**Машғулотга нималар керак:**

Машғулот ўтказиш учун компьютер, проектор, қуш аниқлагичи, “Ўзбекистоннинг 100 та қуши” плакати, «Қушларни қандай кузатиш ёки қандай қилиб яхши бедвочер бўлиш мумкин» брошюраси керак бўлади.

**Сессиянинг бориши:**

1. Клуб сардори клубнинг ҳамма аъзоларини тўплайди.
2. Клуб аъзоларига биринчидан қушлар безовта бўлмаслигини, атроф муҳит бузилмаслигини ва иккинчидан, кузатиш энг яхши тарзда ўтказиш кераклигини айтиш керак.
3. Ўзини табиий тутаётган қушларнинг иложи борича кўпроғини кўриш учун, риоя қилиш зарур бўлган бир нечта қоидаларни келтирамиз.
4. *Сухбат.* Қушларни кузатаётганда иложи борича шовқин қилманг, шунда сиз бошқа нарсаларга чалғимасдан жараённинг ўзига бутунлай бериласиз ва қушларга ҳам озор бермайсиз. Маълумки, қушларни идеал даражада кузатиш сафарга ёлғиз ўзингиз ёки битта шерик билан чиққанингизда ўтказилади. Бедвочерлар гуруҳи қанча кичик бўлса, улар шунча камроқ сухбатлашадилар ва мос равишда диққатлироқ бўладилар.
5. *Қушларга яқинлашиш.* Қушларга яқинлашаётганда қўпол ҳаракат қилманг ва жуда яқин борманг. Акс ҳолда қушлар безовталанади ва учиб кетади. Очиқ жойда турманг. Агар сиз яхши кўринсангиз ва юриб кетаётган бўлсангиз кескин тўхтаманг. Тўғри қушга қараб борманг, қия ёй бўйича юргандек, масофани қисқартириб, уни айланиб ўтинг.
6. *Транспортдан кузатиш.* Агарда машинадан қушни кўриб қолсангиз, аввал секин тўхтаманг ва қушни ойнадан кузатинг. Машинадан дарҳол сакраб тушиш керак эмас. Машинадан чиқишдан олдин дурбин ёки кузатиш трубабини тайёрлаб олинг.

7. *Қушлардек ўйланг.* Ўзингизни қушларнинг ўрнига қўйинг, уларнинг ўрнида бўлганингизда, ҳозир қаерда бўлишингизни тасаввур қилишга ҳаракат қилинг. Ўзингизни ёмғирли, совуқ ҳаводаги қушдек тасаввур қилинг. Қаерда бўлиб қолишни хоҳлардингиз? Ўйлаб кўринг ва атрофингизга қаранг. Шубҳасиз, қуруқ, иссиқ ва пана жойда.
8. *Яшаш жойи.* Сиз бўладиган ҳудудларда иложи борича кўпроқ қушлар яшайдиган жойларни кўздан кечиришга ҳаракат қилинг. Турли яшаш жойларда ўзига хос бўлган турлар бўлади. Қоя ва жарларда, туташган текисликка нисбатан, қушларнинг кўп турларини учратишингиз мумкин, масалан, сой ва дарахтлар гуруҳи эса, яна бир нечта тур қўшишини эсда тутинг. Қанча кўп жойни бориб кўрсангиз, шунча кўп турларни учратасиз.
9. *Ёруғлик йўналиши.* Қуёш ёруғлигини ўзингизнинг фойдангизга ишлатинг. Қушларга ёруғлик орқангиздан тушаётганда яқинлашинг. Кузатиш вақтида, ҳар доим ёруғлик йўналишини кузатишга ҳаракат қилинг. Бу айниқса сув қушларини кузатаётганингизда муҳим, чунки қарама-қарши ёритишда сизга фақат қушнинг шарпасигина кўринади.
10. *Дала кундалигидан ва қушлар таърифномасидан фойдаланиш.* Кўрганларингизнинг барчаси дала кундалигида қайд этилиши керак. Катталиги, ранги, ўзига хос белгилари, ҳаракатланиши ва товуши, жойнинг характерини таърифлаш билан, аниқлашда қийинчилик туғдирган қуш турларининг расмини чизиб олиш керак. Буларсиз кейинчалик тур номини аниқлаш имкони бўлмайди. Ёзиб олгандан кейин аниқлагич, қўшимча расм, интернет-сайт маълумотлари, бедвочер-дўстларингиз ва профессионал орнитологларнинг маслаҳатларидан фойдаланишга яна бир бор ҳаракат қилинг. Китоблар билан ишлаганда, сиз кўрган қушларнинг оиласи, уларнинг яшаш тарзи, уя қуриш жойлари ва ҳ.к. билан танишишга ҳаракат қилинг. Бу сизга кейинги кузатишларингизда ердам беради.

**Бедвочернинг олтин қويدаси – кузатиш тайёрланган ва яхши ташкиллаштирилган бўлиши керак.**

**Бедвочернинг 12 принципи:**

1. **Биринчи навбатда қушларни авайлаш;**
2. **ИВА ва қушларнинг яшаш жойларини асраш;**
3. **Қушлар учун хавф ва стресс ҳолатларнинг олдини олиш;**
4. **Қушларнинг уяси ва тунаш жойларидан узоқроқда туриш;**
5. **Фотосъёмкалар ўтказганда камуфляж ва пана жойлардан фойдаланиш;**
6. **Ноёб ва йўқолиш арафасида турган қушларнинг уялаш жойлари топилган ҳолларда, мутахассис-орнитологларга хабар қилиш;**
7. **Мавжуд бўлган йўл ва сўқмоқлардан фойдаланиш;**
8. **Ҳайвон ва ўсимликларга зарар етказмаслик;**
9. **Гуруҳ кузатувларида шовқин қилмаслик, бошқа кузатувчиларга ҳалақит бермаслик;**
10. **Энди бошлаётган бедвочерлар билан билим ва тажриба ўртоқлашиш;**
11. **Дала кундалигини тутиш ва кузатишдан олинган маълумотларни қушларни муҳофаза қилиш мақсадида топшириш;**
12. **Заруриятдан келиб чиққан ҳолда, 12 принципга риоя қилмаётган бедвочерларга уларни эслатиб туриш.**

**1- хафта. Сессия 21.****Сессиянинг номи: Фандрайзинг нима****Давомийлиги:** 1 соат 30 дақиқа.**Машғулотга нималар керак:**

Машғулот ўтказиш учун компьютер, проектор керак бўлади.

**Сессиянинг бориши:**

1. Клуб сардори ҳаммани тўплайди ва сессия мавзусини эълон қилади.
2. Клуб аъзоларидан клубнинг фаол ишлашига нима керак деб сўранг. Клубнинг ишлаши учун харакатчан рахбар, ҳақиқий сардор, фаол аъзолар ва ғайрат, ҳамда, ишлашга иштиёқ керак бўлишини айтинг.
3. Ундан ташқари, бошқа ташкилотлар сингари клуб фаолияти учун моддий воситалар ва маблағ керак бўлади. “Уни қаердан топамиз” саволига «фандрайзинг» тушунчаси ёрдам беради.
4. Жамоат ташкилоти ёки клуб ишида фандрайзинг – бу маълум бир лойиҳани амалга ошириш учун моддий воситаларни жалб қилиш тушунилади.
5. Моддий воситалар сифатида асбоб-ускуналар, мутахассислар, сармоя, тадбирлар ўтказиш учун жой, транспорт, экспедицияга керак анжомлар, канцтоварлар, хуллас, сизнинг маълум бир лойиҳани амалга оширишингиз учун керак бўладиган ҳамма нарсалардир. Масалан, таълим дастури лойиҳасини амалга ошириш учун маълум миқдорда маблағ, яъни - талабалар конференциясини ўтказиш, канцтоварлар сотиб олиш ва тарқатма материалларни чоп этиш учун принтер керак бўлди. Агар биз “Йилнинг қуши” кампаниясини ўтказиш учун лойиҳа ёзмоқчи бўлсак унга албатта брошюра чоп этишни, значоклар ва бошқа информацион материалларни ҳам қўшамиз. Бунинг учун бизга молиявий воситалар ва макетини ишлаб чиқаришга ёрдам берадиган мутахассислар керак бўлади.
6. Сизнинг истаган ғоянгиз лойиҳа бўлиши мумкин. Асосийси бу ғоя жамиятга ёки табиатга, фойдали бўлиши керак, ва уни амалга ошириб, сиз қандайдир бир натижага

эришингиз керак. Масалан, сиз клубингиз фаолияти ҳақида чиройли буклет чиқариш лойиҳасини тайёрлашингиз мумкин. Буклетни чоп эттириб, сиз атрофдагиларга клуб ҳақида маълумот беришингиз, клубга янги аъзолар жалб этишингиз ва шу усул билан талабаларда табиатга бўлган қизиқишни янада орттиришингиз мумкин.

7. Фандрайзинг бизга керакми? Албатта керак, чунки, ер юзидаги жамоат ташкилотлари ва клубларнинг молиявий воситалар топишининг асосий усули ҳисобланади. Шароит шундайки, давлат ташкилотлари фаолиятини ҳукумат маблағлантиради, тижорат ташкилотлари дароматдан оладилар, жамоат ташкилотлари эса ўз фаолиятлари учун маблағни ўзлари излаб топишлари керак. ННТлар воситалар топишларининг асосий усули лойиҳалар тузиш ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлайдиган ташкилотларни топишдир, бу фандрайзинг дейилади.
8. Ҳозирда маблағ манбъаларини қидириш жамоат ташкилотлари ходимларининг асосий вазифаси ҳисобланишини айтинг.

***Ёдда тутинг! Клубларимиз – катта бир ташкилотнинг бир қисми ҳисобланиб, сардор ва аъзолари лойиҳалар тузиш ва клуб фаолияти учун моддий воситаларни топа билишлари керак***

9. Шундай қилиб, фандрайзинг – бу аниқ бир лойиҳани амалга ошириш учун ташкилотни (асосан нотижорат) маблағни жалб этиш жараёни тушунилади. Бу воситалар айрим шахслардан, тижорат ташкилотларидан, фондлардан ва ҳукумат муассасаларидан келиши мумкин.

***Клублар моддий воситаларга эга бўлишлари учун:***

- ✓ ***Ўз ишини пухта бажаришлари;***
- ✓ ***Иш натижаларини намоиш эта олишлари;***
- ✓ ***Ушбу иш фойдали ва зарур эканлигига одамларни ишонтира олишлари;***
- ✓ ***Энг асосийси, лойиҳаларни тўғри тайёрлаш ва қайдай ташкилотларга топширишни билишлари керак!***

**2-хафта. Сессия 22.****Сессиянинг номи: Маблағ топиш йўллари**

**Давомийлиги:** 1 соат 30 дақиқа.

**Машғулотга нималар керак:**

Машғулот ўтказиш учун компьютер, проектор, клуб аъзолари, презентация ва ушбу режа билан олдиндан танишиб чиққан клуб сардори керак бўлади.

**Сессиянинг бориши:**

1. Клуб сардори клубнинг ҳамма аъзоларини тўплайди ва сессия мавзусини эълон қилади.

**“Фандрайзинг” терминини инглиз тилидан олинган «fund» (пул, маблағ) ва «raise» (кўпайтириш, тўплаш) сўзлари йиғиндисини бўлиб, “маблағни жалб қилиш” маъносини англатади.**

2. Табиат муҳофазаси катта харажатлар билан боғлиқ. Бу ишда ташкилотга ўзидаги маблағдан кўра кўпроқ маблағ керак бўлади. Бу эса маблағ топишни бошқа усулларини қидиришга мажбур этади.
3. Ташкилотни маблағ билан таъминлаш маҳаллий, ҳудудий, ҳамда, халқаро бўлиши мумкин. Бу дегани маҳаллий фаолият учун маҳаллий маблағларни жалб этиш, ҳудудий лойиҳаларга – ҳудудий маблағларни, халқаро дастур ва лойиҳаларга эса халқаро маблағларни жалб этиш тушунилади.
4. Ҳаммага маълум бўлган экологик жамоат ташкилотлари маблағ топиш йўларидан бири савдо-сотикдир. Ушбу усулни моҳияти шундан иборатки, ташкилот турли ашёлар ёки хизмат турини бажаради, аҳоли орасида реализация қилади (пуллайти) ва шундан даромад олади. Бунда бир қоидага сўзсиз амал қилмоқ керак: топилган даромад фақатгина атроф муҳит мафаати учунгина хизмат қилиши керак ва ташкилот аъзоси ёки аъзолари ўртасида бўлишиб олинмайди.

5. Савдо-сотиқ билан маблағ топишни кўплаб аъзоларга эга бўлган, аҳоли ўртасида тарафдорлари кўп бўлган, ҳамда, ривожига етган ННТларгина амалга ошириши мумкин. Бунга мисол қилиб ташкилот томонидан бажариладиган турли мавзудаги маҳсулотлар ва уни савдоси, ёки турли концертларни ўтказилишини айтиш мумкин.

**Мисол!** *Буюк Британия Қироллигининг (RSPB) қушларни муҳофаза қилиш ташкилотида 24 та магазин бўлиб, у ерда қушлар учун озуқа ва озуқа бериш мосламалари, қушлар ҳақидаги китоблар, далада ишлаш учун махсус кийимлар, бинокллар ва эсдалик совғалари харид этиш мумкин. Венгриянинг қушларни ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш ташкилоти қушлар ва судралиб юривчилар сурати туширилган календарлар билан савдо қилади.*

6. Бошқа, ташкилотга маблағ келтирадиган йўллардан бири бадал тўловларидир. Ғарбдаги экологик ташкилотларда қуйидаги ифода бор: “Табиат муҳофазасида фаол бўл. Агарда фаол бўла олмасанг бизга тўла ва биз сен учун ҳам ҳаракат қиламиз!” Ғарб мамлакатларида жамият кўпгина аъзоларга эга бўлиши ва уларни кўпчилиги фақат бадал тўловларини тўлаши оддий ҳол. Уларни пассив аъзолар деб ҳам атайдилар. Бу инсонлар ташкилот фаолиятида етарлича бўш вақтга ва имкониятга эга эмаслар, лекин, улар ташкилот фаолияти йўналиши билан розилар ва унга ёрдам беришга тайёрлар. Яъни, бу инсонлар бадал тўловларини ташкилот улар учун ҳам фаолият кўрсатишига тўлайдилар.
7. Маҳаллий ташкилотлар бир неча юз аъзога эга бўлишлари мумкин, ҳудудийлари бир неча минг, миллий ташкилотлар – бир неча ўн минг, ҳалқаролари эса миллион ва ундан ошиқ аъзоларга эга бўлиши мумкин. Мисол учун Гринпис беш миллион аъзога эга.
8. Бадал тўловлари ташкилотнинг ҳамма харажатларини қопламайди, лекин бу барқарор, мунтазам ва эркин маблағ тури ҳисобланади. Бу мақсадли гуруҳ ташкилотни қандай қўллаб қувватлашини кўрсатади. Агар ташкилот фаол иш

юритса, унинг аъзолари унинг ортидан эса бадал тўловлар ҳам кўпайиб боради.

**Мисол!** *Буюк Британия Қироллигининг (RSPB) қушларни муҳофаза қилиш жамияти 1 200 000 аъзога эга. Бир йиллик аъзолик тўлови 1 кишига ўртача 30 фунтга тўғри келади. RSPB ўз аъзоларига тўлаган пуларининг 90% дарҳол табиат муҳофазаси учун ишлатилишига ваъда берадилар.*

9. Жамият экологик ННТлари маблағ олишнинг учинчи усули бу давлат субсидияларидир. Фуқаролик жамиятида ҳукумат турли давлат дастурлари доирасида давлат ташкилотларига маблағ ажратадилар. Ундан ташқари турли вазирликлар баъзан ННТларга энг яхши лойиҳа конкурсини эълон қилади.

**Мисол!** *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошида ННТ ва фуқаролар жамиятининг бошқа институтларини қўллаб турувчи Жамоат Фонди фаолият юритмоқда. 2011 йилда Фонд Давлат дастурлари доирасида соғлиқни сақлаш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш грантини олишга конкурслар ўтказди. ННТлар фондга 15 млн. сўмгача бўлган лойиҳаларни топширишлари мумкин.*

10. Тўртинчи усул – бу фирма, ташкилот ва тижорат компанияларидан спонсорлик ёрдами олишлари мумкин.
11. ННТ ташкилот ва фирмалардан маблағ олаётганда жуда эҳтиёт бўлишлари керак. Кўпгина атроф муҳитга зарар келтираётган ташкилотлар эко-ННТларни маблағ билан таъминлаб, ўзларига реклама ясайдилар ва истеъмолчиларда ижобий фикр қозонишга ҳаракат қиладилар. Ғарб мамлакатларида ННТ ларни маблағ билан таъминлайдиган компаниялар солиқдан озод этиладилар. Лекин, бундай ташкилотлардан ёрдам олаётган ННТлар аҳоли орасида ва аъзолари ичида ишончини йўқотадилар. Шунга қарамасдан ННТларни

фирмалар билан ҳамкорликдаги фаолиятига ижобий мисоллар кўп.

**Мисол! Венгрия ННТларининг кўпчилиги ўз нашриётига қоғозни мамлакатдаги ягона қоғоз ишлаб чиқариш корхонасидан текинга оладилар. Бу корхона қоғозини ишлатаётган ҳамма нашриётга ўз эмблемасини кўяди ва шу билан ўз маҳсулотини реклама қилади.**

12. Кейинги усул маблағни бевосита аҳолидан йиғиш тушунилади. Ривожланган давлатларда ННТ аъзолари ва кўнгиллилар шаҳар кўчаларига чиқадилар ва маҳаллий аҳолидан ташкилот иши учун қурбонлик қилишларини илтимос қиладилар. Улар ташкилот эмблемаси туширилган ранг баранг кийимларга кийиниб, йўловчиларга тўпланаётган пуллар табиатга сезиларли ёрдам беришига ишонтирадилар.
13. Бу бир неча хил усулларни ўз ичига олади. Масалан Қиролликнинг Қушларни муҳофаза қилиш жамияти қушларни суратлари туширилган ва RSPB эмблемаси туширилган «Visa» пластик карточкаларини ишлаб чиқаради. Ҳар бир ҳохловчи ўз маблағларини сақлаш учун Қироллик жамиятига ихтиёрий равишда тахминан 20 фунт тўлаб, ушбу карточкалардан фойдаланиши мумкин.
14. RSPB мунтазам равишда аҳоли ўртасида эски уяли телефонларни йиғишни уюштиради ва уларни қайта ишлашга топшириб, муайян даромад олади.

**Мисол! Буюк Британия Қироллигининг қушларни муҳофаза қилиш жамияти (RSPB) кўнгиллилари ва фаоллари ҳар йили аҳолидан 1,5 млн. фунт тўплайдилар. Англияда табиат ва қушлар муҳофазасига маблағидан фидо қилиш шарафли, ҳамда, нуфузлидир.**

15. Фандрайзингни санаб ўтилган ҳамма усуллари деярли унумдор ва қизиқарли ҳисобланади. Бу усуллар ташкилотга моддий эркинлик ва мустақил фаолият юритишга йўл очиб беради.



16. Шунга қарамасдан, Мустақил Давлатлар Иттифоқидаги жамоат ташкилотлари маблағ топишининг кенг тарқалган усули бу халқаро фонд ва дастурларга лойиҳалар ёзишдир. Ўзбекистон қатори ривожланаётган давлатларда ННТлар тўлиқ моддий тарафдан мустақил бўлишлари қийин ва улар доимо моддий ёрдам сўраб халқаро ташкилотларга мурожаат этишга мажбурлар.
17. Лойиҳани моддий рағбатлантираётган ҳар бир хорижий фонд ёки дастурни талабнома тўлдиришда ўзига хос хусусиятлари ва қоидалари бор. Фондга топширилаётган лойиҳалар асосан инглиз тилида ва муайян шаклда ёзилади. Талабномаларни тўлдириш мезони ва қоидалари кўпинча фонднинг интернет-сайтида кўрсатилади.
18. Фонд лойиҳага талабномаларни кўриб чиқаётганида ташкилотингиз обрўсига, қўшимча маблағга эга эканлигига ва шериклари, яъни партнерлар борлигига аҳамият беради. Лойиҳа бераётганингизда буларнинг ҳаммасига эътибор бериш лозим – улар ҳақида гап кейинги сессияларда боради.
19. Сессия охирида Клубимизга маблағ топиш учун нималар қилишимиз керак мавзусида ақлий хужум уюштиринг. 15 дақиқа вақт мобайнида иштирокчиларни ҳамма жавоблари ватманга ёзиб, доскага осинг ва муҳокамага қўйинг.

**3-хафта. Сессия 23.**

Сессиянинг номи: Лойиҳа ва лойиҳа талабномаси

**Давомийлиги:** 1 соат 30 дақиқа.**Машғулотга нималар керак:**

Машғулот ўтказиш учун компьютер, проектор керак бўлади.

**Сессиянинг бориши:**

1. Клуб сардори клубнинг барча аъзоларини тўплайди ва сессия мавзусини эълон қилади.
2. Лойиҳаларни ёзиш ва уларни амалга ошириш бугунги кунда жамоат ташкилотларининг иши учун маблағ олишнинг энг кенг тарқалган усули бўлади. Лойиҳани тайёрлаш жараёни анча муракаб бўлиб, маълум билим ва кўникмаларни талаб қилади. Лойиҳани бошқариш – лойиҳа устидан ишлашнинг барча босқичларини кўриб чиқадиган бутун бир фан бўлади. Бу сессияда биз сизлар билан лойиҳа бу нималиги ва лойиҳа талабномасини тайёрлашда нималарни ҳисобга олиш кераклигини билиб оламиз.
3. Сессия иштирокчиларига савол беринг: нима учун одамлар лойиҳалар ёзадилар ва уларни амалга оширадилар? Барча жавобларни тингланг ва уларни ватман ёки доскага ёзиб қўйинг. Бу саволга кўпгина ўзига хос жавобларни олиш мумкин. Одатда, одамлар лойиҳаларни ўзининг атрофида ниманидир ўзгартиришни хоҳлаганлари учун ёзадилар. Шунингдек лойиҳанинг ёзилиши туфайли қўшимча малака ва муҳим кўникмалар олиш мумкин. Лойиҳа устидан ишлаш бугунги кунда хизматдаги ўсишнинг яхши имконияти бўлади деб ҳисобланади. Бундан ташқари, лойиҳа устидан ишлаш – бу, аввало, ижодий жараён ва ўз имкониятларини амалга оширишнинг жуда яхши усули.
4. Лойиҳалар катта ва кичик бўлади, улар шакли, ҳажми ва мазмуни бўйича фарқланиши мумкин, бироқ уларнинг барчаси учта асосий белгига эга. Лойиҳанинг асосий белгиси – бу мақсад. Ҳар бир лойиҳа аниқ белгиланган мақсадга эга бўлиши керак, яъни, лойиҳани амалга ошириб биз эришадиган натижага. Лойиҳанинг иккинчи белгиси – лойиҳа бошланиши ва якунланишининг аниқ белгиланган

муддатлари. Лойиҳанинг учинчи белгиси – бу ресурслар. Ҳар қандай лойиҳада унинг амалга оширилиши учун қанча маблағ, жиҳоз ва бошқа ресурслар кераклиги кўрсатилиши шарт. Бу белгиларнинг барчаси бир бири билан чамбарчас боғланган. Масалан, лойиҳанинг амалга оширилиши учун қанча вақт ва маблағ керак бўлиши унинг мақсадига боғлиқ.

5. Лойиҳалар жуда турли ва бир бирига ўхшамас бўлади. Агар сиз олдингизга душанба куни ярим соат давомида клубдаги компьютерга Skype дастурини ўрнатиш мақсадини қўйиб, дастурнинг ўрнатиш диски – зарур бўлган ресурсни белгиласангиз, бу жараённи кичик лойиҳа деб ҳисобласа бўлади. Деворий газета ёки клуб фаолияти тўғрисида стендни тайёрлаш, акция ёки экспедиция ўтказишни ҳам кичик лойиҳа деб ҳисоблашимиз мумкин. “Интерактив таълим дастури” ва “Талабаларнинг кучи билан учта истиқболли ИВА текшириш” каттароқ лойиҳаларга мисол бўла олади.
6. Лойиҳа – бу доимо талабномани тўлдириш, маблағ қидириш, жамоатчилик, матбуот билан ишлаш, турли информацион махсулотни тайёрлашни ўзига қамраб оладиган ишнинг катта ҳажми. Бу ҳаракатларнинг барчасини нимадан бошлаб, қандай кетма–кетликда бажариш керак? Қандай қилиб белгиланган муддатдан чиқиб кетмаслик ва бунда ҳаммасига улгуриш мумкин? Бу саволларга жавоб бериш учун “лойиҳа менежменти” ёки “лойиҳа бошқаруви” каби тушунча мавжуд.
7. Лойиҳанинг бошқаруви – бу режалаштириш, лойиҳанинг бошидан охиригача барча ишларни ташкиллаштириш ва бажариш. Агарда сиз лойиҳа бўйича барча ишларни тўғри бошқарсангиз, сизга уни муваффақиятли яқунлаб, белгиланган мақсадингизни бажариш муяссар бўлади.
8. Ҳар бир лойиҳа ривожланишнинг бир неча босқичидан ўтади: ғоянинг туғилиши, лойиҳани ёзиш, ишни бошлаш, лойиҳани амалга ошириш, лойиҳани яқунлаш ва натижаларни таҳлил қилиш. Кичик лойиҳаларнинг бажарилишига бир ёки бир неча кун керак бўлиши мумкин, йирик лойиҳанинг амалга ошириши бир неча йилга чўзилиши мумкин. Лойиҳа қандай бўлмасин, босқичлар доимо ўзгармас қолади.

9. Барча лойиҳалар ғоянинг қидирувидан бошланади. Агар сизнинг ғоянгиз бўлса, сизнинг лойиҳангиз мўлжал босқичида деб ҳисоблаш мумкин. Ҳар биримиз янги ғояларни ўзгача топамиз. Ёдда тутинг, лойиҳанинг янги ва қизиқарли ғояси сизга ҳар қандай вақт ва шароитда келиши мумкин. Кўпинча, сизни безовта қилаётган ва сиз уни ҳал қилмоқчи бўлган муаммо ғоя пайдо бўлишига сабаб бўлади.

**Лойиҳа ғояси** *Лойиҳа ғоясини топиш учун, лойиҳанинг ўзини кўприк кўринишида тасаввур қилиш мумкин. Кўприкнинг чап тарафида, унинг бошида, сиз ҳал қилмоқчи бўлган муаммо туриши керак. Кўприкнинг ўнг тарафида, унинг охирида, ҳал қилинган муаммонинг натижаси белгиланиши керак, яъни лойиҳанинг натижасида эришганингиз. Энди, “Муаммони ечиш учун нима қилишимиз мумкин?” саволига жавоб бериб, лойиҳа ғоясини шакллантирамиз.*

10. Энди доска ёки флипчартда кўприк чизинг, бир неча муаммони белгиланг ва лойиҳалар учун бир неча ғояни шакллантиришга ҳаракат қилинг.
11. Лойиҳа кечишининг графиги бор кейинги слайдни кўрсатинг. Ёдда тутинг, лойиҳанинг ҳар қандай ғояси ҳам муаллиф томонидан, ҳам лойиҳа иштирокчилари томонидан гумон ва танқид қилиниши керак. Таклиф этилган ғоянинг амалга оширилишини фақат реал баҳолай олган ҳолатингизда, лойиҳангизни бажара олишингиз мумкин.
12. Сизда ғоя пайдо бўлганидан кейин, лойиҳага талабнома ёзишни бошлаймиз (лойиҳа талабномаси). Ҳар бир фондда ўзининг лойиҳага талабнома беришнинг шакли ва қоидалари бор. Бу шакллар мутлақо ҳар хил бўлиши мумкин.
13. Баъзи шакллар бир неча варақдан иборат, бироқ шундайлари ҳам борки, уларда лойиҳанинг моҳияти 100 ёки 200 варақда батафсил баён этилиши шарт. Бироқ лойиҳа талабномасининг ҳар бир шакли қуйидаги бўлимлардан иборат: лойиҳанинг мақсади, лойиҳанинг

вазифалари, лойиҳани амалга оширишнинг босқичлари, лойиҳанинг календар режаси ва лойиҳа бюджети.

14. Ҳар қандай лойиҳа, унинг талабномада тўғри таърифлашингиз ва кўрсатишингиз керак бўлган якуний мақсадини аниқлашдан бошланади. Мақсадларнинг таърифи иложи борича аниқ бўлиши керак. Мақсадларни таърифлаш учун “Smart-анализ” номли усулидан фойдаланиш мумкин.

**Мақсадлар** *Specific, Measurable, Achievable, Realistic, Time-limited* бўлиши керак, бу қуйидагиларни англатади: **Аниқ** — мақсад “Нимага эришмоқчисиз?” саволига жавоб бериши керак; **Ўлчанадиган** — мақсадни амалга ошириб, аниқ натижани кўришингиз керак; **Эришиб бўладиган** — мақсад эришиб бўладиган бўлиши керак; **Амалий** — мақсадга эришиш учун сизга ресурс, вақт ва маблағ етадими?; **Вақтда чегараланган** — мақсадга кўрсатилган вақт ичида эришиш керак.

15. Сўнгра “Амалиёт. Мақсаднинг таҳлили” слайдини кўрсатинг ва сессия иштирокчиларига кўрсатилган мақсадни таҳлил қилиб, уни шундай қилиб ўзгартиришни таклиф қилинги, у Smart усулига мувофиқ бўлсин.
16. Лойиҳа мақсадини аниқлаганингиздан ва уни амалга оширишингизга ишонч хосил қилганингиздан кейин, лойиҳа режасини ишлаб чиқишга киришингиз мумкин. Бунинг учун мақсад асосида вазифаларни аниқлаш, кейин эса ҳар бир вазифанинг бажарилиши учун ҳаракатларни таърифлаш зарур. Барча ҳаракатларни ишнинг календар режаси кўринишида ёзиб олиш керак.
17. Бюджет лойиҳанинг муҳим қисми бўлади. Бюджет вазифалар ва лойиҳани амалга ошириш режаси асосида тузилади. Бюджетни тузиб, сиз гўё барча ҳаракатларингиз, лойиҳа бўйича акция ва тадбирларни рақам ва пул миқдорларида таърифлайсиз.
18. Бюджетни тузиш учун биринчи навбатда ресурс ва эҳтиёжларнинг таҳлилинини ўтказиш зарур. Ресурсларни таҳлил қилиб, бизда бор жиҳоз ва бошқа ресурсларни санаб чиқамиз. Сўнг яна бир бор синчиклаб лойиҳа

- режасини кўриб чиқамиз ва бизга қандай ресурслар керак бўлишини аниқлаймиз. Энди бизда мавжуд бўлган ва зарур бўлган ресурсларнинг нарҳини аниқлаш қолди холос.
19. Кейинги босқичда барча ресурсларнинг номини, уларнинг миқдори ва қиймати билан бирга лойиҳанинг бюджетига киритиш керак. Бюджет шаклини, одатда, сиз лойиҳангизни ёзаётган ташкилот ёки фонд тақдим этади. Мавжуд бўлган ресурсларимизнинг қийматини “ташкилот улуши” устунига ёзасиз. Ташкилотингиз ёки клубингизнинг улуши лойиҳанинг бюджетда кўрсатилиши шарт. Ёдда тутинг, клубда маълум қийматга эга, компьютер, принтер, мебеллар мавжуд ва сиз улардан лойиҳа устидан ишлашда фойдаланасиз. Агарда бюджетда ташкилотингиз улушини кўрсатмасангиз, грант берувчи, энг аниғи, сизнинг ташкилотингизда ҳеч нима йўқ деб ўйлайди ва сизнинг лойиҳангизни молиялаштиришдан бош тортади.
  20. Талабномангизда, сизнинг лойиҳангизни қўллаб–қувватлайдиган, бошқа ташкилотнинг молиявий кўмаги мавжудлигини кўрсатиб ўтсангиз, у ишончли ва асослироқ бўлади.
  21. Бюджетни тузишга оқилона ёндашиш керак. Маблағни фақат сизга лойиҳани бажаришга ҳақиқатан керак бўлган нарсаларга сўранг. Бюджетни тузганда ўта исрофгар ва ўта тежамкор бўлиш керак эмас. Агарда сиз жуда оз маблағ сўрасангиз, лойиҳангизнинг мақсадига эришолмайсиз. Тежамкор бўлишга ҳаракат қилинг, бироқ ёдда тутинг, ўта тежамкорлик ҳеч қачон тараққиётга олиб келмайди.
  22. Фандрайзинг тўғрисидаги китобларнинг бирида, лойиҳани амалга оширганда қандай қилиб иқтисод қилиш мумкинлиги бўйича бир нечта усул келтирилган. Бироқ, бундай усуллар билан иқтисод қилинса, бирорта фонд лойиҳанинг амалга ошишини сизга ишонмайди.

**Қандай тежаш керак эмас:**

- ✓ **Ишлатилган компьютер ва мебелдан фойдаланиш;**
- ✓ **Ташкилотингиз офисини аъзоларингизнинг бирорта уйида қилиш;**
- ✓ **Учрашувларни ташкилотингиз аъзоларининг бирорта уйида уюштириш;**

- ✓ **Одамлар меҳмонхонада тўхташ ўрнига, меҳмон сифатида, аъзолар ва дўстларининг уйларида тўхташсин;**
- ✓ **Учрашувлар вақтида гўштсиз овқат тайёрлаш;**
- ✓ **Маркаларни, конвертга ёпиштиришдан олдин, совун билан хўллаш. Хат олувчи маркани олади, сиёҳини ювиб ташлаб, маркани яна бир бор ишлатади.**

23. Бюджетда барча ҳисоб-китобларни синчиклаб текшириш зарур. Агар сиз бюджетда хатога йўл қўйсангиз, грант берувчи ҳеч қачон сизга пулни ишонмайди. Лойиҳага кўзда тутилмаган ҳаражатларга албатта кичкина резерв киритинг (умумий миқдордан тахминан 10%). Бюджетнинг барча устунларини форматлаштиринг.
24. Агарда сиз лойиҳани барча қоидаларга мувофиқ тайёрласангиз ва лойиҳа талабномасини хатосиз тўлдирсангиз, лойиҳа мақулланиши ва унинг амалга оширилишига маблағ олишингизнинг эҳтимоли жуда катта.
25. Лойиҳани амалга ошириш босқичида лойиҳа режасига мувофиқ барча тадбирларни бажариш зарур. Лойиҳанинг натижалари тўғрисида унинг иштирокчилари ва жамоатчиликни хабардор қилиш муҳим. Лойиҳани бажариш жараёнида албатта турли муаммолар юзага келади, уларни ҳал қилишга тайёр бўлиш керак.
26. Лойиҳанинг амалга оширилиши – бу, аввало, молиявий жавобгарлик эканлигини ҳеч қачон унутманг. Пулнинг ҳар бир чиқимини чек билан тасдиқлашингиз керак. Молиявий ҳужжатлар учун алоҳида қоғозжилд тутинг ва унга барча чеклар, тўлов топшириқлари ва ведомостларни йиғинг.
27. Лойиҳанинг якуний босқичи таҳлилий ва молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва асосий натижаларни нашр этишдан иборат. Олий мақсадда лойиҳа янги лойиҳа ғоясининг туғилишига ёрдам бериши керак.
28. Лойиҳани шундай ҳолда муваффақиятли бажарилди деб ҳисобласа бўлади, агарда: сиз лойиҳа талабномасида кўрсатган натижаларга эриша олдингиз; бюджетдан чиқмадингиз, яъни сиз талаб қилган маблағ етди ва сиз уни тўлиқ сарфладингиз.

**4-хафта. Сессия 24.**

**Сессиянинг номи: Лойиҳани қаерга бериш керак?**

**Давомийлиги:** 1 соат 30 минут.

**Машғулотга нималар керак:**

Машғулотни ўтказиш учун компьютер, проектор, клуб аъзолари, ушбу режа ва презентация билан олдиндан танишиб олган клуб сардори керак бўлади.

**Сессиянинг кечиши:**

1. Клуб сардори клубнинг барча аъзоларини тўплайди ва сессия мавзусини эълон қилади.
2. Фандрайзинг лойиҳани амалга ошириш учун имкониятларнинг доимий қидирувини кўзда тутди. Сиз лойиҳани бера оладиган кўпдан-кўп регионал ва халқаро фонд ва дастурлар мавжуд. Лойиҳаларни молиялаштириш учун янги ва янги имкониятлар мунтазам пайдо бўлаяпти.
3. Лойиҳани қаерга беришни билиш учун, Ўзбекистоннинг экологик Интернет-ресурсларидан фойдаланиб, фонд ва грант дастурларининг мониторингини доимо ўтказиш зарур. Грант танловлари тўғрисидаги эълонлар ЎЗР Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Ecomews, CarNet ва бошқ. сайтларида эълон қилинади. Шунингдек, экологик мавзулар бўйича информация тақдим этадиган электрон тарқатиш(рассилка)га боғланиш керак. Фандрайзинг бўйича кўпгина мутахассислар Google, Yandex, Rambler ва бошқа кенг тарқалган қидирув тизимларидан фойдаланиб Интернетда грантлар бўйича маълумотларни йўналтирилган ҳолда қидирадилар.
4. Фандрайзинг билан шуғулланиб, ОАВ грант танловлари бўйича эълонларни кузатиб бориш, Давтабқўмита, Экологик ҳаракат ва халқаро ташкилотлар ўтказадиган тўғарак стол, семинар, тренингларда қатнашиш зарур.
5. Сўнгра Ўзбекистондаги баъзи грант дастурлари тўғрисида сўзлаб беринг.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат ноижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди грант танловларини ўтказди ва муҳим

гуманитар, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа жамоатчиликка аҳамиятли бўлган муаммоларни ҳал қилишда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга йўналтирилган, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг лойиҳалари молиялаштирилади. Шунингдек Фонд томонидан атроф муҳит ва экология соҳасидаги лойиҳалар ҳам молиялаштирилади.

7. Фонд мақсади – мустақил, барқарор, аҳолини турли табақаларининг ёрдамидан фойдаланадиган фуқаролик институларининг шаклланишига ердам бериш, ижтимоий жихатдан аҳамиятли муаммоларни ҳал қилишда уларнинг ролини кучайтириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий ва ишчанлик фаолиятини ошириш.
8. Фонднинг ННТларни қўллаб-қувватлаш бўйича танловида давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлар иштирок этиши мумкин. Битта лойиҳа бўйича ажратиладиган грантнинг миқдори 15 млн. сўмгача бўлиши мумкин. Интернетда Фонд манзили [www.fundngo.uz](http://www.fundngo.uz).
9. Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларининг Миллий Ассоциацияси (НАНОУз). НАНОУз ҳам турли ННТларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди ва уларнинг ишларида ёрдам кўрсатади. Ассоциация ННТлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантиради, жамоат ташкилотларининг ишончли маълумотга бўлган эҳтиёжини таъминлашда иштирок этади.
10. Ушбу ташкилот ННТ дастурларининг ривожланишига, ННТнинг ОАВ билан ҳамкорлигига ҳам ёрдам беради. НАНОУз Интернетдаги манзили [www.ngo.uz](http://www.ngo.uz).
11. Баъзи халқаро грант дастур ва фондлари тўғрисида сўзлаб беринг.
12. Марказий Осиё регионал экологик маркази (РЭЦЦА) ўз фаолиятини 2001 йилда бошлаган, унинг мақсади атроф муҳит муаммоларини ҳал қилиш учун миллий ва регионал даражаларда Марказий Осиёда ҳамкорликка ёрдам бериш.
13. РЭЦЦА офислари Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистонда ҳаракат қилмоқда. РЭЦЦА ривожланиш стратегияси Марказий Осиё регионида фуқаролик жамиятини ривожлантиришга йўналтирилган дастур ва лойиҳаларни ўзига киритган. Интернетда РЭЦЦА манзили <http://www.carec.kz>.

14. Rufford Small Grants Foundation (RSG) ёки Rufford кичик грантлар фонди – бу, ривожланаётган давлатларда табиатни муҳофазалаш лойиҳаларини молиялаштирадиган, хайрия ташкилоти.
15. Ишининг 8 йили давомида Rufford Фонди томонидан дунёнинг 95 давлатларида 900дан ортиқ лойиҳалар молиялаштирилди. Грантга талабномалар Фонд сайтида on-line режимида инглиз тилида тўлдирилади. Интернетда Фонд манзили [www.ruffordsmallgrants.org](http://www.ruffordsmallgrants.org).
16. Conservation Leadership Programme (CLP) ёки Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида сардорлар дастури - бу, турли тренинг ва таълим дастурлари ёрдамида атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида бўлажак сардорларни тайёрлаш мақсадида ишлайдиган, ташкилотларнинг шериклик тармоғи.
17. Ушбу мақсад билан CLP ёш сардоларнинг, ривожланаётган мамлакатларда амалий аҳамиятга эга бўлган, табиатни муҳофазалаш лойиҳаларини қўллаб-қувватлайди. Интернетда CLP дастурининг манзили <http://www.conservationleadershipprogramme.org>.
18. Birdfair/RSPB Research Fund for Endangered Birds – Йўқ бўлиш арафасида турган қушлар бўйича тадқиқот фонди – бу кичик фонд 2005 йилда ташкил этилган ва бутун дунёда йўқ бўлиш арафасида турган қушлар бўйича тадқиқот лойиҳаларини амалга оширилишига грантлар ажратади.
19. Фонд мақсади ўзининг давлатларида қушларнинг энг йўқ бўлиш арафасида турган турларининг текширувини олиб бораётган ва уларни муҳофазаси бўйича ҳаракат режаларини ишлаб чиқаётган, маҳаллий орнитологларни қўллаб-қувватлаш.
20. Интернетда Birdfair/RSPB манзили <http://www.rspb.org.uk/ourwork/projects/details/198251-the-birdfairrspb-research-fund-for-endangered-birds>.